

Butun gap fikrlashda. Hamma ishning boshlanishi — fikr. Va fikrlarni boshqarish mumkin. Shu boshdan ham takomillashishning bosh sharti: fikr ustida ishlashdir.

Lev TOLSTOY



Zangiota tumanidagi maktablararo umumiy ovqatlanish kombinati tomonidan maktablarda ta'lim olayotgan kam ta'minlangan oilalar farzandlariga bepul issiq ovqat berilmoqda.

ФАННИНГ ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида Юртбошимиз "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусидаги маърузасида жамият олдида пайдо бўлган янги масалаларни ҳал этишни кун тартибига қўйди. Бу жараёнда илм-фаннинг, олим ва мутахассисларнинг иштироки қандай бўлмоғи лозим?

"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" ўқув фани бўйича методологик комиссиянинг Фанлар академияси фаоллари билан биргаликда ўтказган навбатдаги йиғилиши ана шу масалани муҳокама қилишга бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиевнинг маърузасида жамият тараққиётида илм ва фаннинг ўрни, вазифалари нималардан иборат эканлиги ўз ифодасини топди.

Баҳо ва мунозаралардан кейин, йиғилиш якунида жамиятни ривожлантиришга хизмат қиладиган илмий асосланган хулосалар тайёрлаш, уларни ҳаётга жорий этиш мақсадида Фанлар академияси тошида уч йўналишда республика илмий семинарларини ташкил қилишга қарор қилинди:

"Миллий истиқлол ғояси — ҳар томонлама ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида Ўзбекистон халқининг ҳамжихатлиги ва яқдиллигини таъминлаш асоси" мавзусида доимий фаолият кўрсатувчи республика илмий семинари;

"Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги муаммолари ва истиқболлари" мавзусида доимий фаолият кўрсатувчи республика илмий семинари;

"Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари" мавзусида доимий фаолият кўрсатувчи республика илмий семинари ("Иккинчи фикр" жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда).

Мазкур илмий семинарларнинг хулосалари оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказилиши, "Миллий истиқлол ғояси" рунки доирасида "Маърифат" газетасида ёритиб боришга келиши олинди.

Шунингдек, семинарларнинг илмий хулосалари асосида амалий аҳамиятга эга бўлган тавсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли маффаатдор муассасаларга тақдим этилиши мақсада мувофиқ деб топилди.

(ЎЗА)

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ



24 сентябрь. Вильнюс. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Литва Президенти қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Президентларнинг юзма-юз суҳбатида Литва раҳбари Валдас Адамкус давлатимиз раҳбарининг ушбу таърифи икки мамлакат

босиб ўтган йўлни сарҳисоб қилиш ва келгусидаги режаларни белгилаб олиш учун яхши имконият туғдирганини айтиди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ўзаро савдо-сотиқни ривожлантириш, иқтисодий алоқаларни мустақамлаш, янги қўшма корхоналар тузиш, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш, нарқобизнес ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, Афғонистондаги тикланиш-

га доир масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон билан Литва ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Шунингдек, ташқи ишлар вазирликлари, мудофаа маҳкамалари, божхона хизматлари ҳамда миллий университетлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Шундан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида Прези-

дентлар Ўзбекистон — Литва муносабатларининг ҳуқуқий асоси мазмунан бойиб, қамрови янада кенгайганини таъкидлади. Ислам Каримов Вильнюсдаги Антакалис ёдгорлик мажмуини зиёрат қилди. Литва Республикасининг мустақиллиги йўлида халқ бўлганлар хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик пойига гул қўйди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислам Каримов Литва Бош вазир Алгирдас Бразаускас билан учрашди. Бу икки сиёсатчи қадрдон дўстлардир. А.Бразаускас шу йилнинг февралда мамлакатимизда меҳмон бўлган эди. 1997 йили, у мамлакат президенти бўлган кезлари, Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган. Ислам Каримов ва А.Бразаускасининг дўстлиги мамлакатларимиз мустақилликка интилаётган пайтлардаёқ бошланган. Қадрдон дўстларнинг суҳбатида Ўзбекистон — Литва муносабатларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мамлакатимиз раҳбари Вильнюс университетиде бўлиб, ушбу олий ўқув юрти раҳбарияти билан суҳбатлашди. Ўзбекистон билан Литва муносабатларига доир китоблар кўргазмаси билан танишди.

Ислам Каримовнинг Литвага расмий ташрифи давом этмоқда.

ГАЗЕТАНИ БАРАҚЛАГАНДА:

"МА'РИФАТ" МАСЛАҲАТХОНАСИ 3-бет

ОЛТИ ЁШЛИ БОЛА у мактабда ўқишга тайёрми? 3-бет

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ ҚАЕРДА? 3-бет

ТУМАН (ШАҲАР) МЕТОДИКА КАБИНЕТИ ҲУЗУРИДАГИ КУТУБХОНАЛАР АХБОРОТ ВА МАЪЛУМОТНОМА-БИБЛИОГРАФИК ИШЛАРИНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ

Metodik tavsiyalar 4-бет

САМАРҚАНД САРБАДОРЛАРИ 5-бет

БОЛА НЕГА КАСАЛ БЎЛАДИ?

ёхуд республикамизда энг кўп тарқалган болалар касалликлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва олдини олиш муаммолари 6-бет

ШРЁДЕР ГАЛАБАСИНИНГ СИРИ НИМАДА? 7-бет

"XONGUL" KROSSVORDI 8-бет

Xalq ta'limi va bozor iqtisodiyoti

Самарқанд вилоят ҳокимлиги 2001 йил 17 июлда вилоятдаги умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув-моддий асосларини мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилиб, унга қўра 2001-2005 йиллар мобайнида турли йилларда бошланиб, қурилиши тўхтатиб қўйилган 22 минг 660 ўринга мўлжалланган 43 та мактаб учун янги,

наларини ташкил этиш режалаштирилган.

Республика ҳукуматининг 1996 йил 21 майдаги "2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги 182-сонли қарорининг қабул қилиниши билан мактабларининг, айниқса, қишлоқ мактабларининг моддий базасини мустақамлашда муҳим босқич бўлди.

Ўтган 2001 йилда вилоятда белгиланган режанинг ақсарияти олиши билан бажарилди. Жорий 2002 йилнинг 8 ойи мобайнида 33 та мактаб ўрнига 142 та мактаб, 27 та мактабгача таълим муассасалари ўрнига 41 та муассаса, 4 та мактабгача таълим муассасаси ўрнига 5 таси тўлиқ таъмирланди.

Вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев раҳбарлигида Паст Даргом, Пахтачи, Қўшрабат, Нуробод, Тойлоқ, Самарқанд туманларида "Мактаблар кўни" ўтказилди ва уларнинг натижаси бўйича махсус фармойишлар қабул қилиниб, техник воситалари ва жиҳозлари, мактаб меъмолари, дарслиқлар билан таъминлашни яхшилаш ҳамда мактаб биноларини таъмирлаш учун ҳар бир туманга 100-120 млн. сўмлик амалий ёрдам кўрсатилди.

(Давоми 2-бетда)

Қўшимча даромад — имконият

ёхуд бюджетдан ташқари маблағ топишга эришяётган Жиззах Давлат педагогика институти иш тажрибасидан

Давлат таълим муассасаларига маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилади. Шубҳасиз, бу маблағ билан барча эҳтиёжларни қоплаш қийин. Ишлаши имкониятлари чекланган сармоюни эса ҳар томонга тортқилаб бўлмайди. У таълим даргоҳининг энг муҳим жиҳатларига сарфланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир мактаб, лицей, касб-хунар коллежи, институт ёки университет бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топиши мумкин. Бунинг учун маълум бир ғояни тақлиф қилиш ва уни амалга ошириш тадоригини кўриш лозим.

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти қиёфаси кейинги йилларда тубдан ўзгариб кетди. Бунга эса тadbirkorликнинг турли шакллари орқали эришишмоқда. Институтининг иқтисодиёт ва тadbirkorлик масалалари бўйича ректор муовини Яхши Исмаилов бундай муваффақиятлар қандай қўла киритилаётганини қўйидагича изоҳлаб берди.

Ta'limda tadbirkorlik

— Тўғриси айтганда, маҳаллий бюджетдан таъминланган соҳалар куп. Сармою эса чекланган, истаганинча берилмайди. Нима қилиш керак? "Олма пиш, озгимга туш" дейиш билан иш битмайди. Топиб айтилган, уйлаб айтилган нақл, инкор этолмайси.

Институтиимиз катта даргоҳ. Уқитувчилар куп, талабалар ундан ҳам куп. Уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, маданий-маиший шароитларини ях-

шилашга миллионлаб сумлар керак. Ректоримиз Ғофир Муҳамедовдан жуяли бир тақлиф қилди: "Бирорта хужалик билан келишиб, ер олсак. Пахта, галла экиб даромад орттиришимиз мумкин. Ёрдамчи хужалик институтиимизнинг даромад манбаи бўлиб қолади".

Оқилона фикр ишни бошлашга ундади. Бундан уч йил муқаддам Дўстлик тумани

(Давоми 2-бетда)

ҲОМИЙЛАР КЎМАГИГА ТАЯНИБ

Самарқанд вилоятида "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бажаришда таълимнинг мазмунини бойитиш билан боғлиқ бўлган бир талай омиллар, жумлада, дарслик, ўқув қўлланмалари, ўқув дастурлари билан таъминлаш, педагог кадрларнинг билими маҳорати даражасини ошириш, янги, юқори самара берадиган педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш билан бир қаторда, албатта, таълим муассасаларини ҳозирги замон техника воситалари, мактаб меъмолари билан таъминлаш, барча кулайликларга эга бўлган мактаблар қуриш, эски биноларини таъмирлаш каби ишлар муҳим саналади.

Ваҳоланки, вилоятда 1991-1999 йилларда 47 та авария ҳолатидаги мактаблар мавжуд эди. Бугунги кунда бу мактаб биноларининг ақсарияти ўрнида янги бинолар қад ронлаган бўлса, базилари капитал таъмирдан қачарилди.

Мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустақамлаш борасида вилоятда олиб борилаётган ишлар алоҳида эътиборга молик. 1996-2000 йилларда вилоят бўйича 31,2 минг ўқувчи ўрнига мўлжалланган янги мактаб биноларини қуриб битказиш режалаштирилган бўлса, 40,8 минг ўқувчига мўлжалланган 128 та янги мактаб бинолари

нетлари мавжуд бўлиб, уларнинг 328 таси махсус меъморларга эга. 198 таси эса ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 748 тасида иситиш тизими табиий газ тармоғига уланган. 84 та мактаб марказий иситиш тизими орқали иситилади. Мавжуд мактабларнинг 343 таси кўмир, 4 таси эса суяк ёқилги воситасида иситилади. 758 та мактаб тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга.

замонавий биноларни қуриш, кўллаб мактаб биноларини таъмирлаш олинган ҳолда капитал таъмирлаш, 315 мактаб иситиш қозонларини табиий газ тармоғига улаш, 191 та мактабда тоза ичимлик суви ўтказиш, 861 та мактабда телефон алоқаси ўрнатиш, 779 та мактабни замонавий компьютерлар билан таъминлаш, мактаблардаги ярқисиз ҳолга келиб қолган парта ва стулларни алмаштириш, қолган барча мактабларда кимё ва физика хо-

21-YIG'ILISH Qarshida O'zbekiston Fanlar akademiyasining Tarix instituti hamda Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi bilan hamkorlikda tashkil etilgan "O'zbek xalqi va davlatчилиги tarixi" respublika ilmiy-seminarining 21-yig'ilishi bo'lib o'tdi. Shahrisabz shahrining 2700 yilligi munosabati bilan o'tkazilgan mazkur seminar mavzui milliy davlatчилиги tarixida Qashqadaryo vohasining tutgan o'rni haqida bag'ishlandi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDAHLARI SUDYALARNING IKKINCHI S'EZDI Toshkentda O'zbekiston sudyalari uyushmasining II s'ezdi bo'lib o'tdi. S'ezda uyushmaning moliyaviy hisoboti tinglandi. Erkin Qudratov O'zbekiston sudyalari uyushmasi raisligiga qayta saylandi. S'ezda O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudi raisi B. Mustafoyev, Oliy sud raisi vazifasini bajaruvchi A. Ishmetov ishtirok etdi.

Seminar Xalq ta'limi vazirligi tizimi, "Uzbeksavdo" va xududiy "Savdo" aksiyadorlik kompaniyalari hamda turli mulk shaklida umumiy ovqatlanish korxonalarini va tashkilotlarining rahbarlari hamda mutaxassislari 9, 64, 245, 307, 324-maktablarda tashkil etilgan oshxonalar sharoiti bilan taniyishlar. Va mazkur namunalari tajribalarini uz viloyatlarida qullashni rejalashtirib oldilar. Shuningdek, seminar da Uzbeiston Respublikasi Bo sh vaziri urinbosari M. Usmonov, Xalq ta'limi vaziri R. Juraev, "Uzbekbirlashuv" aksionerlik kompaniyasi raisi M. Bekjonov, "Uzbeksavdo" aksionerlik kompaniyasi boshqarmasi boshligi M. Azamatovlar ishtirok etdilar. Mazkur respublika kurgazmali seminarlari haqida gazeta-mizning kelgusi sonlarida batafsil taniyasiz. K. ALIOXUNOV

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Бугун мактабларимизда ўқувчиларнинг таълим олишлари билан бирга, уларнинг овқатланишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, тўйиб овқатланган кишигина яхши фикрлайди, илми яхши ўзлаштиради. Шу мақсадда Фарғона вилоятидан сўнг, кеча пойтахтимизда "Ўқувчилар овқатланишини ташкил этишни такомиллаштириш, уларни сифатли ва тўйимли махсулотлар билан таъминлаш" мавзусида Тошкент шаҳар мактаблари ошхоналари мисолида республика кўргазмали семинари бўлиб ўтди.

Унда қатнашган Халқ таълими вазирилари тизими, "Ўзбексавдо" ва худудий "Савдо" акциядорлик компаниялари ҳамда турли мулк шаклидаги умумий овқатланиш корхоналари ва ташкilotларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари 9, 64, 245, 307, 324-мактабларда ташкил этилган ошхоналар шaroiti билан танишдилар. Ва мазкур намунали тажрибаларни уз viloyatlarida qullashni rejalashtirib oldilar. Shuningdek, seminar da Uzbeiston Respublikasi Bo sh vaziri urinbosari M. Usmonov, Xalq ta'limi vaziri R. Juraev, "Uzbekbirlashuv" aksionerlik kompaniyasi raisi M. Bekjonov, "Uzbeksavdo" aksionerlik kompaniyasi boshqarmasi boshligi M. Azamatovlar ishtirok etdilar. Mazkur respublika kurgazmali seminarlari haqida gazeta-mizning kelgusi sonlarida batafsil taniyasiz. K. ALIOXUNOV

MARSDA MIKROBLAR... Marsda hayot bormi, yo'q? Bu, mutaxassislar qizg'in munozaralariga sabab bo'lib kelayotgan savol. Amerikalik professor Timoti Kraining aytishicha, Marsda mikroblar yashab qolishi mumkin. Laboratoriya sharoitida Mars sayyorasi sharoitini tiklagan holda tajriba olib borgan olimlar shunday xulosaga keldilar.

KAYFIYATNI YAXSHILASH MUMKIN Mutaxassislar fikriga ko'ra, ta'sirchan va o'zgaruvchan kishilar kayfiyatlarini yaxshilash uchun ovqatlanish ratsionlarini o'zgartirishlari lozim bo'ladi. Shunda turli xil tinchlantiruvchi dorilarga ham ehtiyot qolmaydi. "Food and Mood" "Mind" xayriya tashkiloti ko'magida so'rovnoma o'tkazilganida, unda qatnashganlarning 80 foizi ovqat ratsionining o'zgarishi o'zlarini yaxshi his qila boshlashlariga sabab bo'lishini ta'kidlashgan.



DAQIQADA 5 MILLIMETR O'simliklar orasida eng tez o'suvchani qaysi? Ma'lum bo'lishicha, aksariyat o'simliklar bir daqiqada 0,005 millimet o'sgani holda qovoq 0,1 millimet, ayrim qo'ziqorinlar esa, har daqiqada 5 millimetrgacha o'sadi. Daraxtlar ichida eng tez o'sadigani bambuk bo'lib, uning o'sish tezligi soatiga 2 santimetрни tashkil etadi. IT UCHUN MAXSUS QAYISH Yaponiyalik mutaxassislar xonakitlilar uchun yangi, maxsus bo'yin qayishini sotuvga chiqarishni rejalashtirmoqdalar. Qayishning e'tiborli jihati shundaki, u itning vovullashini egasiga yapon tilida "tarjima" qilib beradi va sohib kuchugi niman xohlayotganligini bilishi mumkin bo'ladi. Mutaxassislar keyinchalik bu mitti qurilmani ingliz tiliga ham moslashtirishmoqchi.

Шумандан 16-гимназия ҳам ҳомийлаф томонидан бегараз ёрдам кўрсатилиб, бинонинг том қисми ва мажлис зал ишга таъмирдан ўтказилди. Бу ерда жами 3,5 млн. сўмлик иш бажарилди.

Бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағлар эвазига 5 та компьютер синфи оғланди. 40 дона компьютер ва уларга керакли бўлган мебеллар келтирилди.

# ҚЎШИМЧА ДАРОМАД — ИМКОНИЯТ

ёхуд бюджетдан ташқари маблағ топишга эришаётган Жиззах Давлат педагогика институти иш тажрибасидан

**(Давоми. Боши 1-бетда)**  
Қилинган ишларнинг натижаси ўлароқ, шу йилнинг ўзиде таълим муассасаларига 119056 дона шифер олиб берилди. Бу шиферларни томга қоқиш учун ёғоч материаллари, мих ва бошқа материаллар ҳомий ташкилотлар томонидан қопланди. Айниқса, Кўшработ туманидаги 10-мактабнинг 140 ўринли, 78-мактабнинг 160 ўринли янги биноларини қуриб битказишда ҳомийларнинг кўмаги катта бўлди.

Вилоятда 2002 йилда қурилган мактаблар хусусида тўхталиб бўлса, 14 та замонавий мактаб ва қўшимча синфхоналари фойдаланишга топширилди. Жомбой туманида 8-, 9-, 17-, 33-, 47-мактаб бинолари янги ўқув йилида ишга туширилди. Маблағ би-

берган бўлса, Темирийўл туманидаги 64-мактабнинг ҳисоб рақамига "Сино" акционерлик жамияти томонидан 300 миңг сўм пул туширилди.

Сибё туманидаги 2-мактаб фасадини 85-қурилиш бошқармаси тўлиқ таъмирлаб берган, мактаб атрофи тўлалигича асфальт қилинган. "Зарафшон" насос станциялари бошқармаси эса 57-мактабнинг иситиш тармоғини тўлиқ тиклаган, "Сибё деҳқон бозори" акционерлик жамияти эса 22-мактабга 100 миңг сўмлик бўёқ олиб берган.

Бугунги кунда вилоятдаги 280 та мактабда ёрдамчи хўжалик фаолият юритмоқда ва ўз ҳисоб рақамига эга. 421 та мактабга ер майдонлари ажратилган. Улардан олинган ҳосиллардан келадиган даромад муассасанинг моддий негизини мустаҳкамлаш, қўшим-

манидаги 24-мактаб 2,4 млн., 6-мактаб 6,4 млн., Темирийўл туманидаги 51-мактаб 4,3 млн., Тайлоқ туманидаги 44-мактаб 9 млн., Урганч туманидаги 30-мактаб 5,2 млн., Пайариқ туманидаги 6-мактаб 1,4 млн., Каттақўрғон туманидаги 35-мактаб 4,7 млн., Кўшработ туманидаги 26-мактаб 1,5 млн. сўм маблағ топишиб, мўайян ютуқларни қўлга киритишмоқда.

Вилоят халқ таълими муассасаларининг чет эл ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги 35-мактабга ўтган 2002 йил давомида Темирийўл туманидаги 51-мактаб Германия элчиликнинг замонавий компьютер синфи, нусхалаш аппарати, 50 та стол-стул, ўқув адабиётлари, ўқитувчиларнинг Германияда бепул малакасини ошириш каби грантларини қўлга киритган. Боғишамол

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

ҳудудда "Зиёкор" деҳқонфермер хўжалигини ташкил этишимизга ҳеч қандай қаршиликлар бўлмади. Аксинча, қўллаб-қувватлашди. Умумий майдони 200 гектар булган ерда тонналаб пахта ва галла етиштириб бошлади. Ишчи кучи сифатида эса талаба ва ўқитувчилар жалб этилди. Экинчи, чопиқ қилиш каби ишларга масъул одамлар бирктирилди. Йигит-терим вақтида белгиланган ширкат хўжалигидан ёрдам сўраймиз, иккиланишсиз ҳожати-мизни чиқаришди. Қолаверса, талабаларнинг қўл меҳнатига ҳам мурожаат қилинади. Ҳосил эса хирмон-хирмон. "Зиёкор"да эндиликда хўжалик юритишнинг миридан сиригача эгаллаб олинди. Бу ернинг паст-баланди узимизга мълум. Олинган даромад келтирилади буюрмаднинг айтмай-сизми? Утган 2001-2002 ўқув йилида ўқитувчи ва талабаларга 8844 кг усимлик ёғи, 19755 кг ун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини текинга тарқатдик. Турли байрамлар муносабати билан берилган маҳсулотлар учитувчи ҳамда талаба-

ларнинг моддий аҳволини бироз булса-да яхшилади.

Таълим хизматини қўрсатиш орқали ҳам маблағ ишлаб топиш мумкин. Бу аслида, қўпчиликка аён иш. Хусусан, қисқа муддатли курсларни олайлик, туловлари қиммат эмас, бунинг эвазига қизиқувчилар у-бу соҳадан хабардор бўлади. "Иқтисодий билимлар" кафедраси қошида "Ҳисобчи-оператор" ҳамда "Компьютер оператори" курсларини очдик. Талабдорлар ҳам топилди. Ушбу курслар хисобидан тушган маблағ 1 млн. 500 миңг сўмдан ошиб кетди. Курсда ўқиниш истовчи кам таъминланган талаба ва ўқитувчиларга текин хизмат қўрсатилди.

Халқимиз ҳунармандчиликда узининг бой тажрибасига эга. Хунар ҳам, эл-лаб қилинса, катта даромад келтирилади.

Касб таълими факультети қошидаги ишлаб чиқариш устaxonаси сирдан усти ёллашимизга чек қўйди. Етишмаган ўқув жиҳозларини ясаш, таъмирлаш ана шу устaxonада амалга ошириляпти. 1500 уринга мулжалланган стол, стул ва бошқа ўқув жиҳозлари ясалди, таъмирдан чиқарилди. Янги

2002-2003 ўқув йили учун 2000 уринли пипетерлар ясашиб, аудиторияларга жойлаштириб қўйилди.

Биласиз, сув булмаган жойда ҳаёт йўқ. Ободончилик ишлари ҳам сув орқали амалга оширилади. Сув насоси урнатилгач, институти-миз ҳовлиси гуллаб-яшнаб кетди. Чоғроққона спорт майдончаси тиклашга муваффақ бўлинди.

Талаба ва ўқитувчилар икки қаватли, олдинги ошxonада овқатланишарди. Ана шу бинони қўпчиликнинг таклифига қура, капитал таъмирдан чиқариб, ўқув корпусига айлантирдик. Натижанда етишмаётган хоналар урни қопланди. Хуш, ошxonани қаердан ва қандай шаклда бунёд этиш керак? Бу саволга биз утган ўқув йили охиридайдёқ жавоб топиб қўйган эдик. У барча учун баробар, уртай жода тикланади. Камида 500 киши бир вақтнинг ўзиде овқатлана олиши керак...

Шундай қилиб, барча қўлайликларга эга булган ошxonа биноси ҳам тикланди.

Қурилиш, таъмирлашга ташқаридан ишчи кучи ёллаш институт молиявий ёллиятига зарар келтириши

мумкинлигини ҳисобга олиб, доимий қурилиш бригадаси ташкил қилдик. Бригада аъзолари ҳар ёзги таътилда барча ўқув корпусларини, аудиторияларни, ётоқхона ва ҳовлини таъмирдан чиқаришди. Бу эса маблағларнинг анча-мунча тежалишига имкон ярата бошлади.

450 ўринли институти-миз ётоқхонасида олис вилоят ва туманлардан келган талабалар яшади. Уларга ҳам зарур шароитлар яратиб берилиши керак. Ётоқхона биноси "Шаҳарқоҳа" тармоғига уланди, бино оқова тармоғи капитал соловидан кейингина бунга имкон яратилди. Иссиқ ва совуқ сув қувурлари бир маромда ишлаб турибди.

Замонавий технологиялар ҳар бир таълим муассасасига керак. Айниқса, олий ўқув даргоҳида улар қанча қўп бўлса-да, камлик қилди. Бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағлар эвазига 5 та компьютер синфи очилди. 40 дона компьютер ва уларга керакли булган мебеллар келтирилди.

Қўлайлик, имконият қанча қўп яратилса, талаба ва ўқитувчилар вақти шунча

тежаллади. Шаҳарлараро телефон хизмати қўрсатувчи шахобча ана шундай қўлайликлардан бири сифатида йигит-қизларга жуда манзур бўлди. Олис вилоят, тумандан келган талабалар вақт йўқотиб, телефон изламайди.

Хулоса сифатида шунга айтмаман: ишлашни хоҳлаган баҳона ахтаради, ишлашни хоҳлаган эса имконият. Юқорида айтганларим — қилинган ишлар, денгиздан бир томчидай гап. Ўз аҳволингни унглаш учун уйла-санг, имконият ахтарсанг, топар экансан. Муҳими, ташқаридан қўпчиликнинг шакллари-ни турғи танлай билишинг керак. Ана шунда маблағинг қўпаяверади.

\*\*\*  
Яшин Исмаилов уз институти тажрибасидан сўзлади. Эҳтимол, бошқа таълим даргоҳларида бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топишда бундан ҳам яхшироқ иш услублари бордир. Агар шундай бўлса, қўвонишга арзийдиган гап. Аксинча бўлса, бундай таълим муассасаларининг қўли калталигича қолаверади.

Х.ТҲИМОНОВА ёзиб олди.

## ҲОМИЙЛАР КЎМАГИГА ТАЯНИБ

лан таъминлашни эса "Ҳақиқат", "Гулистон", Усмон Носир номли, "Жомбой", Эсон Турдиев номли ширкат хўжаликларини ўз зиммасига олди. Иштихонида 12-, 37-, 72-мактаблар, Каттақўрғонда 6-, 11-, 28, Кўшработда 10-, 64-, 78-мактаблар, Нурободада 72-мактаб, Оқдарёда 2-, 4-, 6-, 41-, 43-, 44-, 46-мактаблар, Паст Дарғом туманида 70-, 71-, 75-мактаблар, Самарқанд туманида 6-, 8-мактаблар, Урганч туманида 4-, 8-, 14-, 89-, 120-, 123-мактабларнинг янги бинолари ва қўшимча синфхоналари турли ҳомийлар кўмагида ва ҳашар йўли билан қурилди. Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги 109-мактабга таълим муассасасига Тажриба-механика заводи 100 миңг сўм, 96-мактабга таълим муассасасига эса "Нафис" акционерлик жамияти 100 миңг сўм пул ажратди.

Боғишамол туманидаги 8-мактабга Тажриба-механика заводи 100 миңг сўм маблағ билан биргаликда, 25 кг бўёқ, ИХТА кабинети учун темир эшик, турли мақсадлар учун қувурлар ажратиб берган. Ташки иқтисодий фаолият миллий банкининг Самарқанд вилоят бўлими эса шу тумандаги 32-мактабга 150 миңг сўмлик спорт анжонлари ва спорт майдончаси учун 50 миңг сўмлик жиҳозлар олиб

ча синфхоналарини қуриш ва таъмирлаш ишларига сарфланмоқда.

Маълумки, бюджетдан ташқари топилаётган маблағлар мактабларни жиҳозлаш, ўқитувчи ва ўқувчиларни моддий рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Вилоятдаги таълим муассасалари томонидан бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топишда ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар, туман халқ таълими бўлимларининг тегишли буйруқлари асосида уларнинг таркибида маркетинг хизматлари бўлимлари фаолият қўрсатмоқда.

Жорий йилнинг 8 ойи давомида таълим муассасалари қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан 43288,2 миңг сўм, пуллик хизматдан 23664,9 миңг сўм, бошқа турлардан 117294,9 миңг сўм, ишлаб чиқаришдан 13274,8 миңг сўм, ҳомий ташкилотлар томонидан 504524,5 миңг сўм, жами йил давомида 702047,0 миңг сўм миқдорда маблағ топилиб.

Айниқса, Каттақўрғон шаҳар, Тайлоқ, Оқдарё, Булунгур ва Самарқанд туманларидаги мактабларда олиб борилаётган ишлар ибратга лойиқдир. Масалан, Каттақўрғон шаҳридаги 11-мактаб 3,6 млн. сўм, Пахтачи туманидаги 17-мактаб 35,6 млн., Оқдарё ту-

манидаги 43-мактаб Франция элчилик билан ҳамкорлик ўрнатиб телевизор, магнитофон, видеомагнитофон олишган. Сибё туманидаги 5-мактаб ЮНЕСКО ташкилотининг сертификатини қўлга киритиб компьютер, принтер, рангли телевизор, видеомагнитофон билан тақдирланган. Каттақўрғон туманидаги 54, Боғишамол туманидаги 37-мактаб ҳамда Самарқанд шаҳридаги 64-максус мактаб-интернати АҚШнинг АКСЕЛ ташкилоти грантини қўлга киритишда компьютер синфи ҳамда ксеркопия аппарати билан тақдирланган.

Юқоридаги маълумотларни келтиришимиздан мақсад Самарқанд вилояти мактабларида ўқитувчилар жамоаси ота-оналар ва маҳалла ҳамда жамоат ташкилотлари билан уюшган ҳолда ўзлари меҳнат қилаётган муассасани замонавий билим даргоҳига айлантириш учун интиллаётганини эътироф этиш эди, холос. Маҳаллий ҳокимият ташкилотларининг таълим муассасаларига алоҳида эътибори эса шу соҳа ҳодимларини янада яхшироқ меҳнат қилишга, ўқувчиларни эса "аъло" баҳоларга ўқишга руҳлантирмоқда.

**Н.ШЕРБОЕВА,** махсус муҳбиримиз

## ҚЎЙНИДАН ТЎКИДСА...

Жалақудуқ туман халқ таълими бўлимига қарашли муассасаларга сармоядан ташқари маблағ топиш ишлари йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Айниқса, туман ҳокимлигининг фармойишига асосан барча ташкилот раҳбарлари болалар боғчаларига ва мактабларга ҳомий сифатида яқиндан ёрдам бериб келмоқда-лар.

Утган ўқув йилида туманда қўли очиб, олайшмаётган ташкилот раҳбарларининг саяб-ҳаракатлари билан 2 та мактаб биноси қуриб битказилди ва бу мустақил-лигимизнинг 10 йиллигига муносиб совға бўлди. Шуларнинг бири бу "Болгария" ширкат хўжалиги (бошқарув раиси Шербой Юнусов) ҳомийлигида битказилган 41-мактабдир. Ушбу мактабга 16 млн. сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилди.

2002-2003 ўқув йилида эса ушбу ширкат хўжалигининг раиси Авазбек Норалиев томонидан мактабни таъмирлаш учун 100 миңг сўм маблағ берилди. Кам таъминланган оила фарзандларига эса 200 миңг сўмлик дарсликлар олиб берилди. Бундан ташқари вилоятда ўтказилган мактаб ўқувчилари ўртасидан "Умид нўҳоллари" спорт мусобақаларини юқори савияда ташкил этилишига ҳам у киши томонидан 100 миңг сўмлик турли совғалар тақдим этилди.

Т.Тошматов номли ширкат хўжалиги ҳомийлигида (бошқарув раиси А.Абдураҳимов) 15-сонли мактабга қўшимча бино қуриб берилди. Ушбу мактаб биносини қуришда маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғини, айрим ташкилотлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Айниқса, туман ҳокими Манзураҳон Эгамова бу ишда бош-қош бўлди. Мактаб тўла ишга тушгунга қадар 45 млн. сўмлик маблағ сарфланди.

2002-2003 ўқув йилида ҳам ушбу анъана давом этмоқда. Жумладан, туман халқ таълими бўлимига қарашли 28-мактабнинг янги бунёд этилган шахобчаси

А.Темур номли ширкат хўжалиги (бошқарув раиси А.Абдуллаев) томонидан қуриб берилди. Бу бино 160 ўринли бўлиб, замонавий ҳолда қурилди ва жами 22 млн. 765 миңг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Синфхоналарини жиҳозлаш учун эса 2 млн.дан зиёд маблағ туман халқ таълими бўлими томонидан сарфланди.

Тумандаги 16-гимназияга ҳам ҳомийлар томонидан бегараз ёрдам кўрсатилиб, бинонинг том қисми ва мажлис зал ишга таъмирдан чиқарилди. Бу ерда жами 3,5 млн. сўмлик иш бажарилди.

Ўзларининг беминнат хизматлари билан ёрдам кўрсатган "Ёрқинлоқ" ширкат хўжалиги раиси Ю.Сотвоядов, "Ўзбекистон 5 йиллиги" ширкат хўжалиги раиси О.Иминов, "Бештоп" ширкат хўжалиги раиси Э.Ўринбоев, "Қўштепа" ширкат хўжалиги раиси И.Ўбайдуллаев, "Ёрқинлоқ" матлубот жамияти раиси И.Эрқўзиев, 152-автокор-хона бошлиғи Б.Аҳмедов, тадбиркорлардан Н.Абдуллаев, С.Усмонов, М.Отахонов, И.Мухаммаджонов, Т.Қўзиевларга туман халқ таълими бўлими ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

23-сонли мактаб биносининг томини ёпишда тумандаги "Дўстлик" ширкат хўжалиги (бошқарув раиси Шербой Юнусов) томонидан ҳам 1 млн. сўмлик қурилиш ишларини бажарилди. Бундан ташқари ушбу ширкат хисобидан ўқитувчиларга 126 миңг сўмлик буюғой тарқатилди.

Туман мисолида бундай бегараз ёрдамларини аямай эл юрт эртаси учун қайғу-раётган олайшмаётган инсонлар кўп. Ватанимизнинг порлоқ келажаги ҳозир-қунда мактабларда ўқибётган ёшлар қўлида. Шундай экан, шу азиз фарзандларимизнинг ёрув, шинам, замонавий техника воситалари билан жиҳозланган мактабларга ўқиб таълим-тарбия олишлари-да азиз ҳомий инсонларнинг ҳам муносиб ҳиссалари борлиги бизни қувонтиради.

О.СИДДИҚОВ

## "ЖАЖЖИ ЮЛДУЗ" БИЛАН ШАҲАР БЕЛЛАШУВИГА

XXI аср ёшлари компьютер ва техника тараққий этаётган даврда адабиёт, шеърятга интилишни йўқотмай, мактаб партасидаёқ илк китобчаларини нашрдан чиқараётгани қувончли ҳолдир.

Яқинда Тошкент шаҳар Юнусовод туманидаги 246-мактабда туман мактаблари ижодкор ўқувчиларининг мушоираси бўлиб ўтди. Хайят аъзолари Л.Полонская, Г.Гончаренко, Х.Алимовалар 30 га яқин ижодкор ўқувчилар ижоди — шеър, лаваҳа, эртақ, публицистик мақолалар билан таънишиб, биринчи ўринга

260-мактабнинг 10-"А" синф ўқувчиси Дилноза Умаровани лойиқ деб топдилар. Унинг "Жажжи юлдуз" номли китобчаси ва ундаги шеърлар кўпчиликка манзур бўлди. Гулноза Умаро-

**Tanlov**

ва(274-мактаб), Замира Ахророва(272-мактаб), Дилноза Ҳалимова(97-мактаб), Оля Виноградова(43-мактаб), Д.Гороховский(246-мактаб) ва Зебунисо Сарабекова(63-мактаб)лар 2 ва 3-ўринни эгалладилар. — "Нафосат" ёш каламкашлар кўрик-тан-


лови янги номларни кашф этаётгани диққатга сазовордир, — дейди Юнусовод ТХТБ услубчиси М.Усмонова. — Бу йилги мушоира эҳтиросли шеърларга бой бўлди. Бундай танловлар бадиий дидини шакллантиради, ўқувчини ифодали ўқишга, ёзганларини дўстлари олдида тортинмай раво ўқишга, фикри ўзгаларга еткази олишга ўргатади.

Китобча билан шаҳар беллашувига йўл олган Дилнозага омад ёр бўлади, деган умиддамиз.

Махмуд ЗОИРХОН қизи

### Халқаро hamkorlik

Бугунги кунда Андижон вилоятида телекоммуникация соҳасида фаолият юритаётган ташкилотлар сонини яна биттага ортди. Андижон шаҳрида иш бошлаган янги марка кенг жамоатчиликка интернет тизимида ишлаш имкониятини яратиб берди. Энди хоҳловчилар марказда икки йўналиш бўйича саводхонлигини оширишлари мумкин. Яъни, биринчи йўналиш — шахсий компьютерларда ишлаш, иккинчиси — интер-



нет тизимидан фойдаланиш. Халқаро тадқиқотлари ва олимлар айирбошлаш Кенгаши (IREX/Айрекс) ҳамда Америка Кўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчиликнинг кўмагида ташкил этилган бу марказда барча хизматлари бепул амалга оширилади.

— Ҳозирда АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштирилган қатор ўқув дастурларини амалга оширмоқдамиз. Улар асосан талабалар ҳамда олий маълумотли мутахассислар учун мўлжалланган, — дейди Айрекснинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мумтози Абдуразоқова. Масалан, 2001 йил Кенгаш йўлланмаси билан АҚШда ўқиб, малака ошириш учун 18 талаба ва 8 мутахассис юборилди.

Муҳбиримиз

### Ўзбекистон — Германия:

## ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИ ОЧИЛДИ

Республикамизда таълим ислохотларини амалга оширишда халқаро ҳамкорликнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Қуни кеча Ўрта махсус, касб-хунара таълиминини ривожлантириш институтида Германиянинг Техникавий Ҳамкорлик жамияти ёрдамида малака ошириш бўйича мультипликация торлар тайёрлаш курсларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидхорр Фуломов, немиш мутахассислари доктор Михаел Шрамм ва доктор Клаус Шеринг ҳамда ЎМКХТ-РИ малака ошириш факультетининг профессор-ўқитувчилари иштирок этилди.

Германиянинг Техникавий Ҳамкорлик Жамияти томонидан 1.1 млн евро миқдоридеги сармоя Ўзбекистонда касб-хунара таълиминини ривожлантириш учун, ушбу маблағнинг 300 миңг

евроси эса олий ўқув юртлари қошидаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультетлари ҳамда ЎМКХТ-РИ малака ошириш факультетининг профессор-ўқитувчиларидан мультипликация торлар тайёрлаш курсларини ташкил қилиш учун ажратилди. Қолган қисми тажрибавий 8 та касб-хунара коллежларини жиҳозлаш учун берилди.

Таъкидлаш жоизки, Германиянинг Техникавий Ҳамкорлик жамияти "Ўзбекистонда бошланғич касб-хунара таълиминини қўллаб-қувватлаш" Ўзбекистон лойиҳаси асосида мутахассислар тайёрлашда касбий тайёргарликка янгича мазмун киритишни шакллантиришда, муҳандис-педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларини такомиллаштиришда, коллежларнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкам-

лашда катта имкониятларни яратмоқда. Сўнгги уч йил мобайнида қўлла-нилиб келинаётган ўзбек-герман лойиҳаси бўйича Тошкент, Бухоро, Самарқанд шаҳарлари ва Тошкент вилоятидаги 6 та коллежларда мутахассисларни тайёрлаш бўйича тажриба-сино ишлари олиб борилмоқда. Жорий ўқув йилидан бошлаб яна 2 та тажрибавий коллежларда, жумладан, Бухорода туризм йўналишида, Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги йўналишида мутахассислар тайёрлашга киришилди. 2 ой давом этадиган ушбу курсларда немиш мутахассислари Германия таълим тизимида тўпланган бой тажрибалардан фойдаланган ҳолда ўзбек мутахассисларига сабоқ беришади.

Райхон ХОЛМУРОВА, "Маърифат" муҳбири



Стул атрофида тўпланиб ўтирган болалар бир-бирларига қизиқиб, марок билан китоб ўқийдилар ёки турли шакллари ясайдилар. Агар бола ёлғиз бўлса-чи? Ундаги қизиқиб туйғуси йўқолиб, ўрнини зерикчи ҳисса эгаллайди. Бола тарбиясида ушбу усул яъни биргалишиб ҳаракат қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

# ОЛТИ ЁШЛИ БОЛА

## У МАКТАБДА ЎҚИШГА ТАЙЁРМИ?

Иккинчи босқичга ўтилган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳар томонлама қомил, иходкор ва ихтимойи фаол шахсин тарбиялашда таълим-тарбия жараёнини ҳар бир ўқувчининг индивидуаллигига асосланган ҳолда ташкил этишни назарда тутди. Замонавий педагогик технологиянинг моҳиятига синдирилган таълим жараёнини индивидуаллаштириш ҳам ҳар бир боланинг жисмоний, маънавий-руҳий ва шахс ривожланишини таъминлаш омилли ҳисобланади.

Демак, педагогик фаолият жараёни марказида ҳар бир боланинг индивидуал-типологик хусусиятлари, ақлий имконияти, қобилияти ва қизиқишлари туради. Бу эса буюк аллома ал-Фаробий айтганидек: "Жисмини—табиб, ёғочни—дурдондор, пўлатни—темирчи ўз санъати учун керакчи билганидек, тарбиячи бола руҳиятини қанча керак бўлса, шунча ўрганиши ва билиши зарур"лигини кўрсатади. Шу нуқтаи назарга асосланса, олти ёшли болаларни ўқишга жисмонан, ақдан, руҳан ва маънан тайёрлигини ўрганиш хулосалари асосида мактабга қабул қилиш нақадар муҳим педагогик тадбир эканлигини биламиз.

Маълумки, 1998-99 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синфларига болалар 6-7 ёшдан қабул қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 203-сонли қарори асосида ташкил этилган Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик таълим марказлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳам олти ёшли болаларни тиббий психологик-педагогик кўриқдан ўтказиш, таълим натижалари асосида уларнинг ота-оналарига тавсиялар бериш ҳамда мактабга қабул қилинган болаларни янги ихтимойи муҳит ва асосий фаолият тури ўқишга мослаштириш учун психологик коррекция-ривожлантириш ишларини ташкил этишдан иборат. Ҳар йилгидек 2002-2003 ўқув йили учун ҳам феврал-апрел ойларида 561245 (98,1%) нафар олти ёшар болалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг 137803 (24,1%) нафарининг мулк соғломлиги аниқланди ва психологик-педагогик кўриқдан ўтишга тавсия берилди. Психологик-педагогик таълим марказлари, ўтган йиллардан фарқи улурок, бу йил бевосита умумий ўрта таълим мактабларининг ўзида ташкил этилди. Мазкур комиссиялар (май-август ойларида) 182187 нафар олти ёшли болаларни психологик-педагогик ва дефктологик таълимдан ўтказиб, уларнинг 101883 нафарига мактабда ўқиш учун тавсия берилди.

Болаларнинг мактабга умум етуқлик даражасини таълим қилишда Республика таълим Маркази томонидан тавсия этилган стандартлаштирилган психологик методикалардан фойдаланилди. Барча мактабларда ягона таълим методикаларининг қўлланилиши ҳамда таълим комиссияларининг бевосита мактабларда ташкил этилиши, улар фаолияти самардорлигини анча оширди. Албатта, кўриқлар бошлангичдан олдин ҳудудий таълим марказлари мутахассислари, мактаб амалий психологлари учун семинар-тренинглр, ўқувлар ташкил этилиб, тайёргарлик ишлари ҳам олиб борилди.

Кўпинча, "Нега комиссиялар ҳар йилгидек таълим марказларида эмас, мактабларда ташкил этилди", деган савол берилади. Гап шундаки, биринчидан, комиссиялар таълим марказларида фаолият кўрсатганда ўртача 1500 болани 4 нафар мутахассис таълимдан ўтказиш учун белгиланган стандарт бўйича ҳар бир болани 30-35 дақиқадан вақт сарфласа, бунга 150 кун керак бўлади. Маълумки, таълим комиссиялари 80-90 кун (май-август ойлари) фаолият кўрсатади. Бунда белгиланган стандарт бўйича, таълимнинг сифати пайсаиб кетади. Иккинчидан, болаларни ўзқанда жойлашган туман, шаҳар таълим марказига эмас, ақин жойлашган мактабга олиб бори ота-оналар учун қулай, албатта. Яна бир томони, қабул қилинган болаларни мактаб ўқитиш, уларнинг муваффақиятли ўқиш кетиши эса таълим комиссияларининг ўз ишига нақадар маъсулият билан ёндошишларига боғлиқ бўлади.

Келинг, олти ёшли болаларни мактабга қабул қилишда тиббий, психологик-педагогик комиссиялар фаолиятининг уч йиллик таҳлилий натижаларига эътибор берайлик (жадвалга қаранг).

гик жиҳатдан, яъни ақлий, маънавий-руҳий, ихтимойи-шахсий тайёргарлиги эса Республика бўйича 2002 йилда психологик-педагогик таълимдан ўтган болалар сонига нисбатан 2001 йилдагидан 2,5 фоизга камайган. Бу ҳолат Бухоро (4,4 фоиз), Сурхондарё (3 фоиз), Андижон (2,9 фоиз), Самарқанд (2,8 фоиз) вилоятларида анча ташвишли. Психологик-педагогик таълим натижаларидан болани мактабда ўқишга тайёрлаш боразида мактабга таълим муассасалари фаолиятининг самардорлигини ҳам баҳолаш мумкин. Таҳлиллар шунни кўрсатадики, мактабга таълим муассасаларидан келган олти ёшли болаларнинг тайёргарлик даражаси уйдан келган болаларникидан анча юқори ҳамда мактабда уларни ўқитиш фаолиятидан ўқиш фаолиятига "силлик" ўтказиш имконияти кўпроқ. Таҳлиллардан "Боғча-мактаб" мажмуаларида болаларни мактабга тайёрлаш самардорлиги анча юқорилиги маълум бўлади. Бу мактабга ва болаларни таълим узувчилигини таъминлашда боғча ва мактаб ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Аслини олганда, таълимнинг инсонпарварлик тамойилига

ралаб, синф гуруҳларини шакллантирилган синфда ўқитиш "озроқ ва оддийроқ" тарзда амалга оширилади. Бу синфда унчалик таърибага эга бўлмаган ўқитувчи ҳам дарс бера билади деб, ўйлашади. Аслида, бундай синфда энг таърибали, ўз касбининг устаси бўлган ўқитувчи дарс бериши ҳамда ҳар бир боланинг коррекцияси ва ривожланиши билан шуғулланиши лозим. Чунки "озроқ ва оддийроқ" қабилда иш тутиш бошиданок боланинг ривожланишига, муваффақиятли ўзлаштиришига тўсиқ бўлади, қўйилган "бўш ўқувчи" тамғаси доим унинг имкониятларини чегаралаб туради.

2001-2002 ўқув йилида мактабга қабул қилинган олти ёшли болаларнинг ўқишга мослашувчи таҳлилларига келсак, ўқишга қабул қилинган 102929 нафар ўқувчининг (ўқув йилининг II-чорагидан кейин ўтказилган психологик-педагогик таълим натижалари) 8833 (9,3 фоиз) нафари мослашмаган, 245 нафар бола мактабдан чиқарилган. Демак, ўтган йилда ўтказилган психологик-педагогик таълимнинг сифат-самардорлиги Республика бўйича 90,7% ни ташкил этади. Ўқув йилининг биринчи ярим йиллиги даво-

да муаммолар, йўл қўйилаётган типик камчиликлари ҳам анчагина.

Яқин-яқинларгача ота-оналарни ўз болаларини мактабга тайёрлаш масаласи унчалик қизиқтирмади, 7 ёшга кирган бола тўғридан-тўғри мактабга қабул қилинар эди. Қувонарлики шундаки, эндиликда ота-оналар болаларини мактабга тайёрлаш ва уларнинг мактабда ўқишига бефарқ эмаслар. Улар боғчада болаларни "нима ёйди, нима билан шуғулланади, нима ни ўрганади" каби саволларга қизиқишмоқда. Қўшимча маълумотлар (репититорлик гуруҳлари)га ҳаракат қилишмоқда. Ота-оналарнинг қувонарлиги, ўз боласининг эртаси учун қайғуриши яхши албатта, лекин болани мактабга тайёрлашда бундай ортиқча уринишлар айрим ҳолларда болаларни толиқтириб, уларнинг жисмоний ва психик ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Атоқли психолог Л.Выготскийнинг бир сўзи бор, "Болани бемаврид у эллай олмайдиған нарсига ўргатиш — бола ўзи мустакил бўлгача оладиган нарсига ўргатишдек фойдасиз ва мантқисиздир".

Кузатишлардан маълумки, кўп болалар ота-онанинг хоҳиши

муаммолар мактабда ўқишга тайёр бўлмаган болаларнинг муваффақиятли ўзлаштириб кетишига салбий таъсир кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, бундай болаларда ҳали "ўқувчи ички позицияси" шаклланмаган бўлади.

Шу ўринда "мактабда ўқишга тайёрлик" ёки "мактабда ўқишга умум етуқлик нима?" — деган савол жавобига тўхталсак.

Охириги 15-20 йил давомида чет эллар ва мамлакатимизда жуда кўп олимлар, психологлар ва педагоглар бу савол устида бош қотирган бўлсалар-да, ҳалигача боланинг мактабда ўқишга тайёрлигини белгилаб бериш аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаган. Чет эл психологлари мактабга умум етуқликни "бола мактабда ўқиш қобилиятига эга бўлади": (Е.Шванцара) ёки "мактаб программаларини ўзлаштириш учун керак бўлган билим, кўникма ва қобилиятларга эга бўлади" (А.Анастаси) деб талқин этишади.

Собик Иттифок даврида ҳам А.Зопорожец, Л.Божович каби олимлар бу муаммо устида қатор илмий изланишлар олиб боришган. Шунини айтиш жоизки, таниқли психолог Л.Венгер ва унинг ҳамкасблари томонидан ишлаб чиқилган назарий асос эътиборга лойиқ. Унда фундаментал психологиянинг асосий тамойили, яъни инсоннинг барча психологик хусусиятлари унинг фаолияти жараёнида шаклланиши асос қилиб олинган. Л.Венгернинг фикрича, мактабга таълим ёшидаги болада мактабда ўқишга ҳос хусусиятлар ҳали шаклланиши мумкин эмас, чунки бу хусусиятлар фақат ўқиш жараёнида шаклланади. Шу нуқтаи назардан бизнинг фикримизча, мактабга психологик тайёрлик болада ўқиш кўникма ва малакаларининг шаклланганлиги билан эмас, балки ўқий олишга тайёрлик имкониятлари билан белгиланади. Кўриниб турибдики, мактабда ўқишга тайёрлик муаммоси кўп қиррали бўлиб, уни ўрганиш ҳар томонлама психологик, физиологик ва морфологик тадқиқ қилишни тақозо қилади. Ота-оналар, педагоглар болаларни эрта ёшдан мактабга беришининг фойда ёки зарари тўғрисида ўйлаганда, инсон мияси ривожланишининг ўз нейробиологик қонунияти борлигини алоҳида эътиборга олишлари лозим. Мия қуввати ҳар бир ривожланиш босқичи учун тегишли даражада тақсимланган. Агарда бу қувватни шу ёш даврига ҳос бўлмаган маълум бир психик жараёни ривожлантиришга сарфласак, билангичи, шу қувват тегишли бўлган жойда танқислик ҳосил бўлади. Бу ўз-ўзидан боланинг морфологик, физиологик ёки психик ривожланишида салбий бурилиш ёки нуқсонни пайдо қилади. Таниқли нейробиолог А.Сменовичнинг таъкидлашича, 2-5 ёш даври болада синсамат ва эмоционал-хиссий жиҳатларнинг кучли ривожланиш даври ҳисобланади. Агар сиз шу ёшда болани ўқиш, ёзиш, санашига ўргатиб, унинг билиш жа-

раёни зўриқтирсангиз, билангичи, эмоционал-хиссий ривожланиш учун зарур бўлган мия қувватининг танқислашувига сабаб бўласиз. Бунда боланинг эмоционал-хиссий жараёнининг кечилиши ёки соматик (тана) ривожланишида камчилик содир бўлади. Бундай энергия тақсимланишининг мажбуран бузилиши 7-8 ёшли болаларни кўрқув, агрессивлик ёки гиперфаоллик ҳолатларига олиб келади.

Биз болани мактабда ўқишга тайёрлаш керак эмас, деган фикрдан йироқимиз, лекин болани билиш жараёнининг ривожланишига кичик ёшданок ўқишни, санаши, ёзишни ўргатиш билангина эришиб бўлмайди. Яна бир қонунят бор: ҳар қандай тараққий кўргазма-объективдан абстракт-мантқийликка қараб боради. Агар биз болага ўқишга ақлий, маънавий-руҳий жиҳатдан тайёр бўлмай туриб ҳарф ва рақамларни ёзиш, ўқишни ўргатсак, бу ривожланиш қонуниятини тескари ўғириб қўямиз. Психолог олимларнинг айтишича, психик ва эволюцион тараққий қонунлари ҳам физик қонунлардек бузилмади ҳамда универсал бўлади.

Ўқоридаги фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, нейробиологик жиҳатдан тайёр бўлган болани ўқишга тайёрлаш мумкин, лекин бу ҳар бир боланинг индивидуаллигига қараб бўлади. Агар биз болага ўқишга ақлий, маънавий-руҳий жиҳатдан тайёр бўлмай туриб ҳарф ва рақамларни ёзиш, ўқишни ўргатсак, бу ривожланиш қонуниятини тескари ўғириб қўямиз. Психолог олимларнинг айтишича, психик ва эволюцион тараққий қонунлари ҳам физик қонунлардек бузилмади ҳамда универсал бўлади.

Олти ёшли болаларнинг тиббий, психологик-педагогик кўриқларининг 3 йиллик таҳлилий жадвали

№	Вилоятлар	2000 йил					2001 йил					2002 йил				
		Жами 6 ёшли болалар	Тиббий кўриқдан ўтказилган	Шундан абсолют соғлом	ПДД кўриқига қўйилди	1-синфга қабул қилинди	Жами 6 ёшли болалар	Тиббий кўриқдан ўтказилган	Шундан абсолют соғлом	ПДД кўриқига қўйилди	1-синфга қабул қилинди	Жами 6 ёшли болалар	Тиббий кўриқдан ўтказилган	Шундан абсолют соғлом	ПДД кўриқига қўйилди	1-синфга қабул қилинди
1.	Қорақалпоғистон Рес.	33621	29289	5092	10141	7659	31286	27081	5143	15802	7991	29831	28247	5314	10800	4940
2.	Андижон	56432	56432	9846	11760	10913	51534	51534	13915	15113	9892	29887	28905	7835	16117	12128
3.	Бухоро	31722	31585	5946	6650	6820	28663	28669	5167	14287	4203	46633	43960	11079	13309	10366
4.	Жиззах	26768	26687	4620	5303	3437	25721	25497	5973	5655	2760	13809	13486	3283	3588	3221
5.	Қашқадарё	61913	61913	13898	15698	6478	61531	61439	14025	10912	7743	26652	25609	6444	6970	5471
6.	Навоий	18227	14838	2617	2675	2034	18325	17111	2389	3970	2198	31366	30963	4930	18418	5011
7.	Наманган	53801	53296	10297	17248	9924	47326	46837	10221	14701	10130	65178	64381	14175	18876	10500
8.	Сирдарё	14380	13968	3015	3727	2733	13916	13611	3093	3421	2929	51857	51857	12960	15692	10371
9.	Сурхондарё	51458	41034	8980	12817	6283	52387	51090	16392	14856	6089	51333	51417	13283	12157	8975
10.	Самарқанд	64300	63848	15052	15027	10636	70841	65498	19804	22496	11397	28783	28155	5457	16755	5880
11.	Фарғона	70092	69656	13654	16500	10030	68479	68046	14882	20305	11028	69960	68840	18105	17400	9160
12.	Тошкент вилояти	42880	40165	11333	15918	9014	47856	46797	12355	20550	10779	16254	15882	4077	3606	2345
13.	Тошкент шаҳри	31836	28475	8098	13211	11526	30807	29254	7785	12935	10970	51279	50933	16820	14913	4823
14.	Хоразм	34654	34411	5146	19063	5661	31137	30861	6450	17339	4840	58642	58530	14051	13586	8682
	Жами	592094	561597	117754	168238	102622	580101	563325	140359	192432	102929	571664	561245	137803	182187	101883

Жадвалдан кўринадики, олти ёшли болаларни мактабга қабул қилишда тиббий, психологик-педагогик таълим натижалари йилдан йилга ўзгариб турибди. Олти ёшлиларнинг соғломлиқ кўрсаткичларининг йилдан йилга охиш бораётганини кузатиш мумкин. Масалан, Республика бўйича 2000 йилга қараганда 2002 йилда жами олти ёшли болалар сонига нисбатан уларнинг соғломлиқ даражаси 4,2 фоизга ошган. Шунга қарамастан, мулк соғлом болалар сони Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятларида камайган. Бу болаларни мактабга тайёрлашда соғломлаштириш ишлари ҳали етарли эмаслигидан далолат беради. Болаларнинг мактабга психоло-

асосланса, тайёргарлик кўрсатишдан қатъи назар, мактабда ўқиш учун ҳаммага ва ҳар бир болага етарли шарт-шароит яратилмоғи лозим. Яъни, нафақат бола мактабда ўқишга, балки мактаб ҳам ҳар бир болани ўқитишга тайёр бўлиши керак. Шунинг учун ҳам олти ёшли болаларни тиббий, психологик-педагогик таълимдан ўтказилиши "саралаш имтиҳони" эмас, балки бола билан ўтказилган навабатдаги коррекция-ривожлантириш ишлари йўналиши белгилаб беришчи восита ҳисобланади. Кузатишлардан маълумки, айрим мактабларда психологик-педагогик таълим комиссиялари ўз вазифаларини болаларни қобилияти ва тайёргарлиги асосида са-

мида амалга оширилган ихтимойи психологик мослаштириш ва коррекция-ривожлантириш ишларининг самардорлиги ҳам шунга яқин. Олти ёшли болаларнинг мактабга мослашуви Жиззах (26,8 фоиз), Навоий (83,5 фоиз) Сирдарё (85 фоиз) вилоятларида бошқа вилоятларга нисбатан анча паст. Шу ўринда Сурхондарё вилояти Халқ таълими бошқармасидан олинган маълумот бўйича олти ёшли болаларнинг 100 фоизи ўқишга мослашганлиги қайта ўтказилган психологик-педагогик таълимнинг объективлигига шубҳа туғдиради.

Олти ёшли болаларни мактабга умум етуқлик даражасини таълим қилиш ҳамда уларни ўқишга мослаштириш ишлари-

ва "елиб-югуриши" билан ҳали ўқишга тайёр бўлмай туриб, мактаб оstonасига қадам қўйишмайди. Афсуски, ўқиш давомида ақлий-руҳий зўриқиш оқибатида турли касалликларга чалиниб, жисмоний ва психик ривожланишида нуқсонлар пайдо бўлади. Бундай болаларда энг аввало, мия структурасининг нерв-психик жараёнининг мактабда ўқиш учун тўлиқ етилмаганлиги, кўрув-ҳаракат координацияси ва кичик моториканинг ривожланмаганлиги, мантқий фикр махсулдорлигининг пастлиги кузатилади. Ундан ташқари мотивация, иродавий жиҳатларининг шаклланмаганлиги, айниқса, ихтиёрий диққат ва хотира, хатти-ҳаракатнинг ихтиёрий бошқарилувидаги

Куча-қуй, автобус ёки метрода эътибор бериб қарасангиз, 7—12 ёшли болаларнинг ўқувчи эканлигини орқасига осиб олган ёки қўлида кутариб кетаётган портфелидан билиб оласиз. Улар 4-5 та дарслик, бир неча дафтар, кундалик ва бошқа ўқув қуроллари билан портфелларини тўлдириб олган бўладилар. Бир кунда 6-7 соат ўқийдиган юқори синф ўқувчилари қўлида эса букланган 2-3 та умумий дафтар, битта ёки иккита китоб, чунтагида эса ручка, холос. Талабалар қўлида ҳам шунга ухшаш 2 дафтар, салқин тушиб костюм кийилса, дафтар ҳам костюм ички чунтагида буклоғлик ҳолда туради. 14-18 ёшли фарзандларимизнинг кийиниши, узини тутиши, ўқув қурол ва дарсликларидан уларнинг ким эканини ажрата олмайсиз, мактаб, коллеж, академик лицей, ҳатто олий даргоқ талабалари ҳам портфел тутмайди.

Қўлида портфели йўқ талаба кутубхонадан 10-12 та китоб олиб ўқийдими? Портфелсиз ўқувчининг ўқув қўлланмасиз дарсада фақат эшитиш утиригидан наф борми?

"Ўзбек тилининг изоҳли лугатида шундай таъриф бор:

Портфель — китоб, дафтар, ҳужжат ва шу қабилар солиб олиб юриладиган дастали махус сумка. Папка — қоғоз, хат-ҳужжатлар солиб қўйиладиган картон, чарм ва шу қабилардан ясалган туқичсиз жилд ёки муқова. Бу изоҳ билан айтиш

ган ўқувчи ёзаётганларга ҳалақит беради.

Ҳозирда дарсликлар танлов асосида ёзилиб, нашр этилаётгани, ота-оналар томонидан харид қилинапти. Шу билан иш битаяпти? Йўқ, албатта. Нега ота-оналар дарсликлардан фарзандлари қай даражада фойдаланаётгани билан қизиқмайдилар?

ма каби аччиқ гапларни эшитиб асабингиз бузилади. Дарсликни доим олиб келиш зарурлигини айтганингизча танаффус бўлади. Бундан ким қандай фойда куради? Шундай экан, ота-оналар ҳар кун фарзандининг папкасини назорат қилиши, дарс жадвалидаги фанлар бўйича мактабга олиб кетаётган дарсликларини кўздан

паги қиярдик. Ҳар кун портфель билан қўлимизда шиппак солинган халта келарди. Уни бирор кун унутиб қолдирмадик, эшик тагида кишик оёқ қийимимизни халтага солиб, шиппакни кийиб хонага қирадик. Мактабдан қайтишда эса яна шиппакни халтага солиб уйга олиб кетардик. Ҳеч ким нолимасди, айримларда эса нон солинган яна бир халтача буларди. Тоza, озода, шинам хоналардаги сабоқ эса ўқишга муҳаббат ва қизиқишимизни янада ортирарди. Фан кабинетларини кўз қорачигидек асардик, сиёҳ томса, қимматбаҳо атирлар билан сиёҳни артиб кетказардик. Ҳар бир хонада қўл ювиш учун сув жулмаги буларди, бузиламасди ёки ўқувчилар хонада бир-бирига сув сепмасди. Шундан бўлса керак, мактабни ҳар йили таъмирлашга ҳождат йўқ эди. Айтмоқчиманки, ўқувчилар мактабни муқаддас даргоқ билиб, уни асраб-авайласалар, таъмирлаш пулгига бадий китоб, дарслик қўлланмаларни қўлаб сотиб олиш имкони туғиларди. Ота-оналар ҳам маблагларини фойдали, зарур дарсликларига сарфлаган бўлардилар.

Маҳмуд ВАЛИЕВА, "Ma'rifat" муҳбири

## Siz nima deysiz? МУАММОНИНГ ЕЧИМИ ҚАЕРДА?

мумкинки, ўқувчиларимиз аллақачон портфелни қанча алмаштириб улгурганлар. Қизлар қўлида кичик сумка, дарслик, дафтар билан эмас, пардоз анжомлари билан тула. Бу сумкадан дафтар тополмаслигини мумкин қузғу ёки лаб бўёғига, албатта, қузингиз тушади. Дарслик ва дафтарсиз дарсада ўқитувчининг гашига тегаятган талаба ёки ўқувчи тенгдошлари вақтини ҳам уғирлайди. Ёзмаёт-

Мактабларда ҳар ҳафтада ўқувчиларнинг папка, дарсликларни текширилади. Афсуски, дарсликларини туқик олиб келган ўқувчилар бармоқ билан санарли, холос. Айтайлик, математика дарси, ўқувчилар масала ёки тенглама ечиши керак. Дарсликни масала шартини қардан билди? Албатта, китобингни бериб тур, бермаса, вой, қизгангиз, битта китобга

Faхr

шарафига муяссар бўлди. Уларга айтадиган илиқ фикрларим чексиз. Негаки, тенгдошларим орасида кўксимни тоғ қилиб юришга ҳақлиман. Ширин орзуларим рўёбини уларнинг жонқурялиги боис, деб ўйлайман. Истагим шуки, энди юртимиз шухратини дунёга ёйишда ҳисса қўшаётган оммавий ахборот воситалари ходимларининг, жумладан, факультетимиз ўқитувчиларининг билим ва тажрибаларини ўзимга жо қилиш учун тинимсиз изланиб, етук кадр бўлиб етишишга ҳаракат қиламан.

Шухрат СУННАТОВ, ЎзДЖТУ халқроқ журналистика факультети 1-курс толиби

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

Qonun va fuqaro

Мазкур қонун илк бор 1992 йил 14 январда қабул қилинган эди. Айтиш мумкин, у ўз даврида вазифасини аъло ўддалади. Ислохотлар ривож, мамлакатимизнинг халқроқ ҳамжамиятга фаол қўшиливи қатор қонун ҳужжатларини, янги тахрирда қабул қилиш талоқи этилади. Ва 2000 йил 26 майда бу қонунга ҳам бир қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқланди. Қонун 27 моддани ўз ичига олади.

У қўшимчида қизиқиш, гайриоддий тасаввур уйғотади, бир қарашда. Наҳотки, спорт ҳам қонунга муҳтож бўлса. Ҳа, ривожланиш, биз орзу қилган ҳуқуқий демократик давлатда барча муносабатлар қонун асосига қурилишини вақтнинг ўзи кўрсатмоқда. Муносабатларни аллақандай буйруқлар, директивалар билан тартибга солиш даври ўтиб кетди.

Қонун мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ташкил қилишнинг ташкилий жиҳатлари, уни бошқариш, молиялаш, юртимизда олимпия ҳаракатини ташкил қилиш, унинг инфратузилмалари, принциплари, ҳаваскорлик ва профессионаллик спортчиларнинг ижтимоий ҳимоялаши, халқроқ ҳамкорлик муносабатларини тартибга солиди. Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиши, унга доир жамоат бирлаш-

маларини тузиш, тегишли ҳаракатларни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Айни вақтда бундай ҳуқуққа чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам эгадирлар. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда спорт билан ҳамма шугулланиши мумкин. Бу соҳада барча ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, федерациялар, мактаблар, коллежлар, турли соғломлаштириш марказлари бугун хоҳловчилар хизматида. Илгари спорт иншоотлари фақат давлат тасарруфидан бўлган бўлса, бугунги кунда тадбиркорлар ихтиёрига ҳам берилмоқда.

Яратилган қулай шарт-шароитлар, хомийлик ёрдамларининг натижаси ўлароқ, бугунги кунда мамлакатимиз тибора дунёнинг спорт марказларидан бирига айланиб бормоқда. Теннис, бокс, шахмат, кураш, таэквандо, каратэ спорт турларида ўзбек спортчиларининг маҳорати аллақачон эътироф этиб бўлинди. Пайти келганда айтиш керакки, битта спортчи ўз маҳорати билан Ватани, милли шайини дунё даражасига олиб чиқиб қўйиши — бор гап. Мухаммадқодир Абдуллаев, Лина Черязева, Олмос Юсупов, Ирода Тулаганова, Рустам Қосимжоновларни ким танимайди, дейсиз. Бу — спортнинг ўзбек спортчиларининг шарафати. Бор бўлсин спорт! Бор бўлсин унинг негизи бўлган қонун!

Миродил БАРАТОВ

(23-мақола)

манлардан улқашунослик ва туризм соҳасига қизиқувчи тугарак аъзолари ва раҳбарлари қатнашиши. Тадбирнинг очилиш маросимидан сунг туристик эстафета ўтказилиб, унинг голибларига виллоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари топширилди. Айни вақтда марказнинг сайёҳлиги, адабий, бадий ва тарихий улқашунослик, ёш эколог-

Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган уқувчи-ёшлар техник ижодиёти маркази, болалар ва усмирлар ижодиёти саройи, ёш улқашунослар ва сайёҳатчилар марказларида “Очиқ эшиклар кунин” ўтказилди.

Жумладан, виллоят уқувчи ёшлар техник ижодиёти марказида ўтқазилган тадбирда ёш уқувчилар бир неча йўналишдаги тугарак фаолияти билан танишишга муваффақ бўлилар.

“ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ”

Марказда асосан техника билан боғлиқ тугараклар фаолият кўрсатади. Автомодель, самолётсозлик, ракетасозлик, кemasозлик тугараклари шулар сирасига киради. Утган уқув йилида виллоят бўйича 200 мингга яқин уқувчи марказларга жалб этилган. Тадбирда уқувчи-ёшлар узларининг қўллари билан ясаган муъжаз машина, самолёт, ракета, кемаларини майдонда намойиш этидилар.

Виллоят ёш улқашунослар ва саёҳатчилар марказида бўлиб ўтган тадбирда эса барча тугараклар фаолият кўрсатади. Автомодель, самолётсозлик, ракетасозлик, кemasозлик тугараклари шулар сирасига киради. Утган уқув йилида виллоят бўйича 200 мингга яқин уқувчи марказларга жалб этилган. Тадбирда уқувчи-ёшлар узларининг қўллари билан ясаган муъжаз машина, самолёт, ракета, кемаларини майдонда намойиш этидилар.

лар, ёш сайёҳлар каби тугаракларига 752 уқувчи жалб қилинган.

Виллоят уқувчи-ёшлар ижодиёти саройида ҳам тадбир кутаринки руҳда ўтказилди. Тугараклар таништирилиб бўлингач, яқиний қисмда сарой тарбияланувчилари ижросида намойиш этилган катта концерт дастури ушбу даргоҳга илк бор қадам қўйган уқувчилар ва ота-оналарда илиқ таасурот қолдирди.

Ш.ШОКИРЖОНОВ, Н.ШЕРБОЕВА

САРБОННА УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРИ САМАРҚАНДА

Мамлакатимизга ташриф бурурган Франциянинг Сарбонна университет ректори Жорж Молинье Самарқанд Давлат университетида ҳам бўлди. Бу ерда меҳмон ўз ҳамкасблари ҳамда талабалар билан учрашув ўтказди. Ҳар иккала университет ректорлари илм-фан равиши йўлида ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳақидаги шартномаларни имзоладилар.

Н.ШЕРБОЕВА, “Ma'rifa” мухбири

ШОГИРДЛАР ДАВРАСИДА

фатида ташкил эди. Айниқса, ихтисослашган махсус гуруҳларда таълим-тарбия махсус дастурлар бўйича олиб борилади. Масалан, “Атиргул” гуруҳида нутқидан нуқсон бор 4 ёшли болалар тарбияланади. Гуруҳ болаларининг нутқини ўстириш бўйича логопед мутахассиси З.Бозорова томонидан 3 та артикуляция, қўл гимнастикаси, чиққитириш ва соғломлаштириш машқлари махсус тайёрларлик асосида олиб борилади. Тарбиячи Ю.Ҳамроева эса логопед берган вазифаларни ўзин тартибидан болалар иштирокида бажаради.

ринна, Г.Бозорова, Г.Горбунова, З.Бобомуродова, Ю.Ҳамроева, В.Шарипованин шогирдларидир. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, боғча огирини энгил қиладиган оталиқ ёки ҳомий ташкилотга эга эмас. Шундай бўлса-да, жамоа ўз тажрибасини ўргатишда эринмай-диган кадрдон Валентина опадан миннатдорлар. Икки қаватли замонавий тарбия масканинг аллақачон таъмирдан чиқарилгани эса, эшик қоқиб турган қиш мавсумига шай эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўткир ПЎЛАТ

Соғлиқ қадрини ёши ўтиб қолган кишилар, кексалар яхши билишади. Шунданми, саломатлик туман бойлик, деб такоррорлашни хуш кўришади улар. Лекин шўх-олов, ҳали ўзи ҳақида ўйлашни билмайдиган болалар-чи? Ёки эндигина ёруғ дунё юзини кўрган чақалоқлар-чи? Болаларнинг соғлиги, тўрт мучаси бутунлиги учун ким қайғуриши керак? Дардинг тури кўп бўлади. Болалар ўртасида қандай касалликлар учрайди ва нима сабабдан? Уша касалликларнинг олдини олиш, даволаш жараёни қандай кечади, касаллик беморда қандай асоратлар қолдиради? Мухбиримиз шу каби саволлар билан тиббиёт мутахассисларига мурожаат қилди.

ЧАҚАЛОҚ ТУФИЛМАСДАН БУРУН...

Сухбатдошларимиздан бири — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Оналик ва болалик муҳофаза қилиш бош бўшқармаси етакчи мутахассиси, олий тоифали шифокор Муҳаббат Усмонова фикрлари сизларни эътиборсиз қолдирмайди.

— Болалар ўртасида кўп учрайдиган касалликлар ҳақида сўз юритганимизда, шунинг алоҳида айтиш керакки, баъзи касалликлар мавсумга қараб кўпайиши ва камийиши мумкин. Масалан, баҳор фаслининг сўнгги кунларидан бошлаб кузнинг иккинчи ярмигача болаларда иккетар (диарея) касалликлари кўпаяди. Кеч куз, қиш ва эрта баҳорда эса шамоллаш билан кечадиган ўткир респиратор касалликлари, зотилжам болаларни кўп қийнайди.

Бу ҳаётликларни ўз вақтида даволашни бошламаслик, яъни шифокорга мурожаат этмаслик, ота-оналарнинг ўзбилармонларча даволашлари диарея касалликларида баданнинг сувсизланиб

қолиши каби оғир ҳолатларга олиб келиши ёки унинг чўзилувчан, сурункали бўлиб қолишига сабаб бўлади. Ўткир респиратор касалликларини ўз вақтида даволамаслик эса зотилжамдек оғир дардга мўбтало қилиши мумкин. Ёки боланинг тез-тез респиратор касалликлари билан огриши бронхиал астма касаллигига чалинишига сабаб бўлади.

Диарея касалликлари — ичбурғ (дизентерия), сальмонеллез, иерсинезола бола организмга юқумли ичак касалликларини чақирувчи майда мавжудотларнинг (микробларнинг) оғиз орқали кириб қолиши натижасида келиб чиқади. Яъни, шу микроблар билан ифлосланган мева-чеваларни яхшилаб ювмасдан ёки пашша, сувараклар теккан, туриб қолган овқатларни тановул қилиш касаллик пайдо бўлишининг биринчи сабабларидир.

Ўткир респиратор касалликлари юқори нафас йўллари орқали юқади. Грипп, парагрипп, аденовируслар билан касалланган болалар йўталганда, акса урганда унинг ёнида бўлган соғлом болаларга ҳам юқади. Зеро, чақалоқлар ота-она билан

лан кўпроқ озикланмаганида ҳам шундай касалликларга чалиниши мумкин.

Ҳар бир ота-она фарзандининг соғлом, кўркам бўлишини хошлайди. Бунинг учун ҳали чақалоқ дунёга келмасдан гўдак ҳақида қайғурмоқ керак. Фақат соғлом ота-онадангина соғлом болалар дунёга келиши хаммаиз яхши биламиз. Бўлғуси оналар ҳомилалар бўлишларидан аввал ўз саломатликларини яхшилашлари лозим.

Боланинг соғлом ўсиш шартларидан яна бири, гиёена қоидаларига риоя қилишни ўргатиб боришлари зарур. Булар — тупроқ, қум, ўйинчоқлар уйнаганидан кейин, овқатланишдан аввал, ҳожатхонадан чиққач, қўлларни тозалаш ювиш, бармоқларни, ручка-қошамларни сўрмаслик, бошқа болалар оғзига солган конфет, курут, резина сақичларни ўз оғзига олмасликдир.

Оддий бўлиб кўринган кўникмаларни болаларда ёшлигиданоқ шакллантириш, уларнинг соғлом бўлиб вояга етишларида муҳим рол ўйнайди.

Кичик ёшдаги болаларга хос бўлган — киза-гимма дақиқа ўтгача кўкрак сути билан эмилиши бошлашдир. Гўдак онада пайдо бўладиган дастлабки оғиз сўтини эмади. Бинобарин, бу сўт таркибида уларни турли юқумли касалликлардан сақлаб оладиган махсус элементлар мавжуд. Шунингдек, чақалоқ олти ойлик бўлганда, унга кўкрак сути билан бирга албатта, қўшимча овқатларни бера бошлаш зарур. Чунки унинг соғлом ўсиб-ўлғайиши учун биргина она сўтининг ўзи етарли эмас.

Ота-оналар, мураббийлар ўзлари шахсий гиёена қоидаларига қатъий риоя қилганлари ҳолда, болаларга ҳам шахсий

ради. Соғломлик ва гўзалликнинг биринчи шартларидан бўлган тиш саломатлиги тўғрисидаги суҳбатни эса Биринчи Тошкент Давлат Тиббиёт институти Болалар жарроҳлик стоматологияси кафедраси мудири, худди шу номдаги клиника директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мухаммад-жон АЗИМОВ билан уюштирдик.

Суҳбатимиз болаларда учрайдиган тиш, жағ-юз соҳаси касалликлари мавзусида бўлди.

да тиши даволатмай ялғиланишдан сунг юз соҳасидаги юмшоқ тўқималарга ўтиб кетиши сабабли келиб чиқадиган, (халқимиз тили билан айтганда пилла, шей оқмаси каби) касалликлар билан огриган беморларга хизмат кўрсатилади. Бундан ташқари, юзида тугма нуқсонлари (буларни халқимиз исми ўзи билан деб, Нишонбой, Нишонла, Қудрат, Қудратилла каби отлар билан аташади), лаби, танглай, қулоқ супраси кемтик ёки қулоқ супраси умуман йўқ бўлган болалар ҳам бор. Ана шундай

экологиянинг бузилиши ҳам туғилаётган гўдаклар саломатлигига, уларнинг жисмоний, ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Экологик муҳитнинг бузилиши нуқсонли чақалоқлар кўпайишига сабаб бўлмоқда.

—Сизнинг бўлимингизга беморлар асосан неча ёшдан мурожаат қилишлари мумкин?

—Бўлиминимиз юқорида айтганимдек, ихтисослашган қадимий учун агар чақалоқ нуқсон билан туғилган бўлса, туғилган куниданоқ қабул қилиб, даволашни бошлаймиз. Эндигина туғилган чақалоқдан тортиб ўн беш ёшгача бўлган беморларни қабул қиламиз. Кези келганда бир нарсани айтиш керакки, бугун фарзандларимизда кариес хасталиги кўп учрамоқда. Унинг келиб чиқиш сабаби ота-онанин бепарволиги, бола саломатлигига эътиборсизлигига бориб тақалади. Кариес (тиш ва милкларнинг ялғиланиши) 5-7 ёшли болаларда кўп учрайди. Шу даврда сут тишлари алмашадиган бўлганлиги учун касаллик ҳам кўп бўлади. Бола “тишим огрияпти”, деб инжиқлик қилганида ота-она “эртага дўхтирга учирашамиз”, демасдан ёки ўзи уй шароитида намоқоб сувга чаймасдан зудлик билан мутахассис қабулига келиши керак. Болалар милки ва тишининг ялғиланиши худди ёнғинга ўхшаб аввал секин бошланади сўнгра “лов” этиб қаттиқ огрик беради. Шу пайтда касаллик юмшоқ тўқималарга, суякка таъсир кўрсатади. Бунгача кўп тўқималар йиринглаб, ялғиланиб кетган бўлади. Касаллик болага азоб бериш билан бирга даволаш мuddатини ҳам кечиктиради.

ларнинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш керак?

—Авалло, тиш касалликларининг олдини олиш учун болани кичиклигиданоқ тиш ювишга ўргатиш лозим. Хозирги кундаги замонавий тиш ювиш воситаларидан фойдаланишлари, қолаверса, ота-оналар вақти-вақти билан болаларини шифокор кўригидан ўтказиб туришлари керак. Баъзи ота-оналар “бу сўт тиши, ўзи тушиб кетади, даволаш бефойда”, дея фарзандининг тиш огриги ҳақидаги шикоятига бепарво қарайдилар. Бу мутлақо нотўғри фикр. Чунки сут тишлари асосан беш ёшдан тушишни бошлаб, бу жараён ҳатто ўн икки ёшгача давом этади. Бундай кеч тушадиган тишлар ёнидаги бошқа, доимий тишларнинг ўсиб чиқишига, ёки қийиқ бўлишига таъсирини кўрсатади. Агар тишлар мuddатидан аввал ёки касаллик туғилган бўлиб ташланса, у ҳолда юз-жағ скелети бутунлай ўзгариб, пастки ёки юқори жағи тор бўлиб қолади. Кейинги тишлар қийиқ, жағ қаторидан ташқарида, огзининг ички тарафида ўсиб чиқадики, бу инсоннинг кўркамлигини йўқотади, чиройига путур етказиши.

—Уз фарзандининг келажакда чиройли, тиш қаторлари текис, ёқимтой бўлишини истаган ота-она боласига тишларини парварши қилишни ёшлигиданоқ ўргатишлари лозим. Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчидаки, чиройли тишлар, мафтункор табассум жаминиятда ҳар бир инсоннинг ўз мавқеини белгилаб олиши ҳамдир.

Сухбатдош: Шарифа МАДРАХИМОВА, “Маърифат” нинг махсус мухбири

БОЛА НЕГА КАСАЛ БУЛАДИ?

республикаимизда энг кўп тарқалган болалар касалликлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва олдини олиш муаммолари

—Домла, болалар жарроҳлик стоматологияси нима ва сизнинг клиникангиз қандай вазифаларни амалга оширади? —Биз иш олиб бораётган бўлим республикаимизда ягона ва ихтисослашган болалар стоматологияси бўлими. Бу бўлимда юз-жағ қисмида бўладиган барча касалликлар даволанади. Жарроҳлик стоматологияси деганда кўпчилик тиш оладиган ва тиш даволадиган жойини тушунади. Аслида ундай эмас, бўлиминизда юз-жағ қисмида учрайдиган тугма касалликлар, ўсма, қолаверса, бола ҳаёти давомида орттирган жароҳатлар натижасидаги нуқсонлар ёки ўз вақти-

лаби, танглайи кемтик болаларнинг соғлом чақалоқлардан фарқи шундаки, уларда эмиш қобилияти бўлмайдиган ва кўп ҳолларда уларнинг яшаб кетиши қийин бўлади. Биз эса шу каби чақалоқларни эмиш қобилиятини тиклаб, уларни ҳаётга қайтариш имкониятига эгамиз. Юз қисмидаги турли хил ўсмалар ҳам режали даволадиган касалликлар сирасига киради. Бир неча ой, йил аввал касал бўлиб, сўнгра касаллик асорати қолганда, чандик, қийиқ бурун, оғиз, қулоқ супрасини ҳам режали даволаса бўлади.

Айниқса, сунги йилларда атроф-муҳитнинг ёмонлашуви натижасида

РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА КЛИНИКА

Жозибатор табасум, садафдек терилан тишлар... Булар инсонга кўркамлик, чирой бериш билан бирга, унинг соғломлигидан ҳам дарак бер-

23-ТУР УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон XI миллий чемпионатининг 23-тур баҳсларида Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси Бекободнинг "Металлург" жамоаси билан учрашув ўтказди.

Колган учрашувларда куйидагича натижалар кузатилди. "Дустлик" — "Трактор" — 3:1. "Кизилкум" — "Андижон" — 6:2.

XIV ОСИЁ ЎЙИНЛАРИГА ОЗ МУДДАТ КОЛДИ

Бир неча кунлардан сўнг Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўладиган XIV Осийё ўйинларига борувчи бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси таркибда Беход Хидиров, Дилшод Махмудов, Баҳром Тансиқбоев, Тўлашбой Дониёровлар бор.

Караёт тури бўйича эса Умид Хақимов, Илҳом Қаримов, Отабек Қосимов, Азамат Қаландаров каби моҳир спортчиларимиз мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.

ҲАМ ФАХРЛИ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТЛИ

2003 йил Андижонда бўладиган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари республика боксчи мусобақалари қайси спорт иншоотларида ўтказилади ва тайёргарлик ишлари қандай бораётир.

"Баркамол авлод — 2003" спорт ўйинларининг якуний бос-

"Barkamol avlod—2003"ga tayyorgarlik

қичи вилоятимизда ўтказилиши барчамизга катта масъулият юклатди, — дейди белбоғли кураш бўйича вилоят бош мураббийси Мамасоли Исмоилов.

Дарҳақиқат, белбоғли ва халқаро кураш бўйича беллашувлар сўлим Хонобод шаҳрининг марказий истироҳат боғида қурилатган 3000 ўринли ажойиб кураш иншоотида бўлиши режалаштирилди.

Хозирча курашчилар учун махсус гилам (татами)ларнинг етиштирилиши муаммо бўлиб турибди. Бу муаммоларни бартараф этиш чоралари изланмоқда.

О.СИДДИКОВ



Қайси давлатда кўп партиявийлик ва демократия тамойиллари ҳаётга жорий этилган бўлса, ана шу давлатнинг фуқаролари эркин ва бахтли бўлишлари, шубҳасиз.

Экспертларнинг фикрича, август ойиданоқ бошлаб юборилган сайлов-оқди кампаниялари ва Германия тарихида илк бор қузилган Шрёдер ва Штойбер ўртасидаги теледебатлар бутун ўз натижаларини берди.

АСОСИЙ МАҚСАД ТУЗУМНИ ЯНГИЛАШ

Варшава шаҳридаги НАТО кенгашида иштирок этётган АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд, агарда Ироққа қарши ҳарбий амалиёт ўтказилган тақдирда ҳам, асосий мақсад мамлакатдаги мавжуд тузумни ағдарилдан иборат, оддий халққа ҳеч қандай зарар етказилмайди, дея айтган.

Куни кеча эса Қўшма Штатларнинг етакчи наشريлари ҳисобланмиш "Нью-Йорк таймс", "Вашингтон пост" газеталари операция режасига дахлдор мақолалар чоп этган.

ҚАМАЛ ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?

Рамаллох шаҳридаги Ёсир Арофат қароргоҳини қамалда ушлаб турган исроилликлар Европа Иттифоқи вакили Мигель Моратиноснинг Фаластин мухторияти раҳбари билан учрашиши имкон бермаганлар.



Lenta. Ru

қўмондонларнинг ҳибса олинганига қадар давом этади. Улар ҳозир айнан мазкур қароргоҳда яшириниб турибдилар", дея маълум қилади расмий Қуддус.

Вазиятнинг ўта кескинлашгани бос, БМТ Бош Котиби Кофи Аннан расмий баёнот билан чиқди. Унинг фикрича, бир томоннинг қучлилги ва иккинчи томоннинг қучсизлиги билан тинчликка эришиб бўлмайди.

ШЕВАРДНАДЗЕ РУСЛАРНИ ДАРАГА ТАКЛИФ ҚИЛМОҚДА

Маҳаллий радио орқали чиқиш қилган Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе Россия ҳукуматига ўз ҳарбий қузатувчиларини Панкис дарасига юборишни таклиф қилганлигини айтди.

"Қузатувчилар қуролсиз ҳолда келиб, вазият билан танишишлари мумкин", дея айтган Шеварднадзе. Унинг фикрича, ҳозир дарода 2500 нафар грузин аскери операция ўтказаятган бўлиб, яқин кунларда ҳудуд тўлиқ ҳукумат назорати

га ўтади. Ҳозирча эса катта миқдордаги қурол-аслаҳалар, ваҳобийлик оқимида доир адабиётлар топилган.



NTV. RU

"МАҚДОНАЛЬДС" ЁНИДА ПОРТЛАШ

Ливан пойтахти Байрут шаҳри яқинидаги "Макдональдс" компаниясининг ресторани ёнида портлаш юз берган. Автомобиль ичига ўрнатилган 1 кг атрофдаги тротил моддаси портлаган вақтда ресторан ёпиқ бўлган.



ITAR-TASS

ТАБИЙ ОФАТ ЗАРАРЛАРИ

Кубанинг ғарбий ҳудудларида юз берган қучли шамол ва сув тошқини оқибатида 10 мингга яқин уйларга зарар етган.

Табиий офат туфайли 200 миң киши ҳавфсиз жойга кўчирилган. "Исидора" дея аталган бу тўфон Мексиканин жануби-ғарбидаги Юкатан шатаига ҳам ҳавф солган.

Reuters

Германия кўрган зарар 15 миллион евро ни ташкил этди. Ҳозирда ҳам ушбу зарарларни қоплаш, жамият ҳаётини қайта тиклаш Германияда биринчи масала бўлиб ҳисобланади.

Шрёдер галабасининг иккинчи муҳим жиҳати га тўхталадиган

стондан кейинги иккинчи нишони бўлиб Ироқ турибди. Ёдга олсак, 1998 йил халқаро инспекторларни ўз ҳудудидан чиқариб юборган Бағдод кўндан буён БМТ резолюцияларини бажармаётган эди.

Parlament saylovlari

аҳолисининг ҳар 3 нафаридан 2 нафари Ироқ операциясига қарши чиқмоқда. Бинобарин, Шрёдернинг ушбу тутган позицияси ҳам унинг сайловларда зафар қучишига муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Бундан ташқари Германия адлия вазири Герте Даублер-Гмелн "Швабишес тагблат" газетасига берган интервьюсида АҚШнинг Ироққа нисбатан юритаётган сиёсатига муносабат билдириб, "Жорж Буш ўзининг ички муаммоларидан эътиборини бошқа томонга буриши классик услубдир.

Мағлубиятга учраб, Баварияга қайтган Эдмунд Штойбер эса бир йил ичида янги таркиб тузишини маълум қилди. Унинг фикрича, қизиллар ва яшиллар ҳокимият тараққиётга эриша олмайдди.

Хулоаса қилиб айтадиган бўлсак, сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ўтгани, шубҳасиз. Энг муҳими эса сайловчилар ишончи-



АЛИОХУНОВ тайёрлади.

ШРЁДЕР ҒАЛАБАСИНИНГ СИРИ НИМАДА?

бўлсак, бу айни пайтда жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турган Ироқ масаласидир.

Очиқ айтиш лозимки, 2001 йил 11 сентябрь куни юз берган Америкадаги фожеалардан сўнг, Қўшма Штатлар терроризм ва уни қўллаб-қувватлаётган давлатлар ҳамда оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқаришда айбланаётган мамлакатларга қарши курашга жиддий киришган эди.

ҲУРМАТЛИ ЁШЛАР!

Сизларни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги "БИЗНЕС МАРКАЗИ" пулик тайёрлов бўлимига ўқишга таклиф қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус касб-хунар таълими Маркази

қуйидаги ихтисосликлар бўйича шоиб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурада ўқиш учун қабул эълон қилади:

- 13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи;
13.00.08 — Хунар таълими назарияси ва услубияти.
Хужжатлар 2002 йил 1 ноябргача қабул қилинади.
Керакли хужжатлар:
Институт ректори номига ариза;
Ходимларни ҳисобга олиш варақаси ва таржима холи;
Иш жойидан тавсифнома;
Ихтисослик бўйича реферат (илмий ишлари ва ихтиролари эълон қилинмаган бўлса);
Диплом ва баҳолардан нусха;
Меҳнат дафтарчасининг нусхаси;
Нашир этилган илмий ишлар рўйхати;
Аспирантурага киришга тавсия бўйича илмий кенгаш ёки Давлат Аттестация Комиссиясининг баённомасидан кўчирма (агар олий ўқув юртини жорий йилда тамомлаган бўлса);
Тўрт дона фотосурат (3x4), конверт, тез тиккич.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси 7-уй, 7-қават "Аспирантура" бўлими.
Телефонлар: 136-22-12, 136-23-27, 133-18-54.

Манзи: Низомий номидаги ТДПУ, Асосий бино.
"БИЗНЕС МАРКАЗИ" бўлими, 1-25 хона.



(Дам олиш саҳифаси)

Ko'ngil bitiklari

УСТОЗЛАР ҲАҚИДА КЎШИК

(ТУРКУМДАН)

ЎҚИТУВЧИМ МЕНИНГ

Эй, инсон идроки чархлагувчи зот, Эй, маърифат боғин гуллатган зақо, Сиз билан мунаввар бу ширин ҳаёт, Сиз билан ободдир бу кўна дунё. Ўқитувчим менинг — анварим менинг, Ҳаёт йўлларидан сарварим менинг.

Заҳматингиз кўпу роҳатингиз кам, Шухрат кутқусидан қалбингиз омон. Назидима касбингиз ичра

касблар жам,

Бўйла оқ нур ичра камалак пинҳон. Ўқитувчим менинг — оқ нурим менинг. Шарафим, шавкатим, гурурим менинг.

Меҳр нури чочар мурғак дилларга Мусоффо қалбингиз орзуга тўлиб, Не тонг жаҳон кезиб юрса тилларда Фасихиддин Соҳиб — Навоий бўлиб. Ўқитувчим — суяк устозим менинг, Ҳаётим, гоҳ жўшқин овозим менинг.

Устоз жабри афзал ота меҳридан, Инсон англаб етган буюк ҳақиқат. Гул ва тикан унса Кўёш нуридан, Сизнинг меҳрингиздан гул унар фақат. Ўқитувчим — эзгу олашим менинг, Сизга эҳтиромим, саломим менинг!

БИРИНЧИ МУАЛЛИМ

Ёш дилларга бергайсиз таълим, Қалбингиз нур, меҳрга лим-лим, Аввал Сизга айлаин таъзим, Эй, азиз биринчи муаллим.

Тутказгансиз кўлларга қалам, Ўргатгансиз харф ила рақам, Мадрҳ айлаган Чингиз оға ҳам, Эй, улуг биринчи муаллим.

Хар сўзингиз тошга ёзилгай, Ҳам юрак, ҳам бошга ёзилгай. Тийран кўзу қошга ёзилгай, Эй, улуг биринчи муаллим.

АВТОБУСДА

Лиқ тўла автобус жўнамоқда эди. Шу пайтда бир киши чиқишга уринди.

— Нима қилайсиз? Сиз учун бу ерда жой йўқ.

— Менсиз автобус бар қадам ҳам жимлайди.

— Ҳ-ҳ, жа-а ўзингизга ишониб юбордингиз, шекилли.

— Ҳечам-га. Мен ахир ҳайдовчиман.

СИРА

Икки киши очиқ денгизда чўмилишарди, иккиси ҳам сувда сузишни яхши билмасди.

— Агар чўка бошласан нима қиласиз, — сўради бири иккинчисидан.

— Ташвишланманг. Мен кўп тилларни билмаман. Масалан, 6 тилда ёрдамга чақирришим мумкин.

ДЕРАЗАМ ГАРБДА

— Сиз қачон пайтга ўрнингиздан турсан?

— Кўннинг биринчи шуъласи деразамга тушиши билан.

— Ахир, бу жуда эрта-ку?

— Аммо менинг деразам Фарбага қараган-да.

ТАКЛИФ ЭТИЛГАНМАН

— Эртага бизниқига келинг. Биргалликда тушлик қиламиз.

— Яхши, аммо мен эртадан кейин келаман.

Сахарга уланар шомингиз, Нақадар буюқдир комингиз, Дилларга битилгай номингиз, Эй, азиз биринчи муаллим.

Орзуларнинг тиниқ осмони, Мурғак ниҳолларнинг боғбони, Давримнинг мустаҳкам иймони, Эй, улуг биринчи муаллим.

Сиз — ёруғ жаҳонга дарвоза, Сиз — булоқсиз ширин ва тоза, Мирза шоддир Сизга шеър ёза, Эй, азиз биринчи муаллим.

ЎСЎТЎЗЛА ЭЪТИКОД

Бола эдик шўх, ўйинқарок, Тўполонлар қилардик ҳардам. Аммо жуда билмига чанқок, Зўр билимдон эди устоз ҳам.

Ўн болага биргина китоб, Қўлдан-қўлга ўтарди такрор. Ўқир эдик жўшқин ва шитоб, Ўқишдан завқирок нима бор.

Устоздан сўрардик билмасак, У билмаган нарса йўқ эди. Бехато урарди нишонга, Хар бир сўзи мисли ўқ эди.

Бизнинг устоз билмаган йўл йўқ, Бизнинг устоз билмаган тил ҳам. Бизнинг устоз билмаган кўл йўқ, Бизнинг устоз билмаган гул ҳам.

Бир кун кимдир деди дафъатан, Ҳайратларга тўлиб зийда, Бизнинг устоз ечолмайдиган Масала ҳам бормиш дунёда!

Бу гапни ким деса шарманда, Устозга эътикод мустаҳкам. Ишонмаган эдик ўшанда, Ишонмаймиз ҳатто ҳозир ҳам!

Мирза ҚАЙНАРОВ, Шароф Рашидов туман ХТБ услубчиси

Нега эртага эмас. Эртага сизниқига акангиз мени таклиф этган.

БУНИНГ МЕН УЧУН СИРА ФАРҚИ ЙЎҚ

Бир америкалик миллионернинг уйига ташриф бурган ёш йигит:

— Мен сизнинг қизингизни севаман, ҳақиқатан ҳам мен у каби бадавлат эмасман, аммо менинг севгим жуда кучли. Мен сизнинг қизингизсиз сираям яшай олмаймаман.

— Ҳўп яхши, сиз менинг қайси қизимни севайсиз?

— О, бунинг мен учун фарқи йўқ, — жавоб қилди бечора ошиқ.

Бахтиёр УЛУҒБЕКОВ тайёрлади.

ТИҚ ТОПИШИШГА УСТАМИСИЗ?

Ҳар доим ҳам ўз фикр-мулоҳазаларингизни қатъий туриб ҳимоя қиласизми ёки баъзи-баъзида умумий манфаатлар учун майлларингизга бўйсунмаслик ҳам кўпингиздан келадими? Қуйидаги тест саволлари сизга мазкур саволга жавоб топиш имконини беради. Узингизни синаб кўринг.

Test

1. Агар имконият туғилса, ҳордиқ чиқариш чоғида нима билан жон-дилигиздан шугулланар эдингиз?

- a) расм чизиш билан; б) сузиш билан; в) рақсга тушиш билан.

2. Дўстингиз (дугонангиз) сизни кинога таклиф қилди. Кинофильм сизга маъқул бўлмади. Нима қиласиз?

- a) кинотеатрни тарк этасиз; б) дўстингиз (дугонангиз)га хурмат юзасидан фильмни охиригача кўрасиз; в) ушбу вазиятдан имкон борича фойдаланишга ҳаракат қиласиз.

3. Баъзида кўларингизни юмиб, хаёлга чўмасиз. Тасаввурингизда эса...

- a) Тинч океанидаги инсон қадами тегмаган орол; б) шахсий қасрингиз, атрофингиздаги гирдикпапалак хизматкорларингиз; в) алоҳида ҳовли-жой, тинч ва фаровон турмуш.

4. Қайси имтиҳонлар сиз учун мураккаблик туғдирган?

- a) мактабни битиришдаги давлат имтиҳонлари; б) ўрта махсус ёки олий ўқув юртлирига кириш имтиҳонлари; в) бирор махсус тайёрлов курсига кириш имтиҳонлари.

5. Ҳамкасбингиз қиритган таклиф бошлигингиз томонидан маъқулланди. Сизга қандай таъсир қилади?

- a) у учун хурсанд бўламан; б) бу ўзимнинг имконларим, қандай таклифлар киришим мумкинлигини ўйлашимга туртки беради; в) бу фикр мендан чиқмаганлигидан ранжийман.

6. Қуйидаги ҳикматли ибораларнинг қайси бири сизга кўпроқ мос келади?

- a) чексиз даҳшатдан даҳшатли хотима яхши; б) энг яхши яхшининг душмани; в) ҳечдан кўра кеч яхши.

7. Қуйидаги тарихий шахслардан қайси бири билан суҳбатлашишни афзал кўрадингиз?

- a) Чарли Чаплин билан; б) Агата Кристи билан; в) Мэрилин Монро билан.

ЖАВОБ КАЛИТИ:

Table with 7 columns and 4 rows (A, B, C, D) containing numerical answers for the test questions.


7-11 балл. Табиатан келишувчан одамсиз, тил топишига устасиз. Мураккаб вазиятларда ўз фикр-мулоҳазаларингизни "ҳимоя" қилишдан кўра рақибингизга ён босишни афзал кўрасиз. Афсуски, баъзи ҳолларда ушбу хусусиятнинг сизни бекарор қилиб қўрсади. Бу эса ўз ўрнида сизга ҳам, атрофингиздагиларга ҳам зарар etkazиши мумкин.

12-16 балл. Сиз яқинларингиз, қариндошларингиз даврасида охириги дамгача ўз фикр-мулоҳазаларингизни қатъий туриб ҳимоя қилишга тайёрсиз. Аммо беғоналарга ён боса оласиз. Танишларингиз сиздан маннун, аммо қариндош-уруғларингиз, яқинларингиз эса...

17-21 балл. Сиз нима хоҳлашингизни жуда яхши биласиз ҳамда ҳатти-ҳаракатларингизни, режаларингизни, фикрларингизни бошқалар танқид қилишига йўл қўймайсиз. Қатъиятли, ҳақиқатгўйсиз. Аммо шуни билиб қуйишингиз керакки, ким ўзини доимо ҳақ ҳисобласа, бошқалар фикрини тан олмаса, унинг ҳақиқий дўсти бўлмайди.

Санжар НАЗАРОВ тайёрлади.

ВАМАН МАЖЗАРАДАРИ



Мухтаром Махкамжон АЗАМАТОВ! Табарук умрингизнинг кутлуғ бекаллабридан қадимбақаддам олтишинчи баҳорни қаршилаш бахтига муяссар бўлганлигингиз билан барча дўсту ёлларингиз, ҳамқабул қардонларингиз номидан чин дилдан муборакбод этамиз. Бу салтанат кўтловларига Сиз билан қарийб қирқ йил давомида турли савдо ташкилотларида, идораларида ёнма-ён ишлаган, жонқур ва ҳаракатчан йўлхасосликнинг, чин ишончли фаълиятларингизни ҳар дамда ҳис этган савдошларингиз, юзлаб шогирдларингиз ҳам кўшилишиб, ўзларининг энг эзгу тилакларини билдиришмоқда. Сизга сийҳат-саломатлик, узок умр тилаб, оилангизда, дўст-қардонлар даврасида азиз муқаррам бўлиб юришингизни ният қиламиз. Хурмат ва эҳтиром билан дўстингиз ва ҳамкасбингиз "Муртазо султонов, "Ўзбексавдо" акциядорлик компанияси раисининг бош масъулчиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларида хизмат кўрсатган бинкор, иктисод фанлари номзоди, Республика муҳандислар академияси академиги, олий ва халқ таълими аълочиси.

"XONGUL" KROSLVORDI

Crossword puzzle grid with clues in Uzbek. Clues include: 1. Nomdor, tanilgan. 2. Alp-Karpat tog'laridagi daryo. 3. Avstriya davlati poytaxti. 4. Buxoro bug'usi. 7. Ta'lim-tarbiya o'rgatladigan payt. 8. Chiroyli hasharot. 9. Indoneziya tarkibiga kiruvchi orol. 12. Hayo. 13. Tag qism. 16. Afrikaning sharqiy qismidagi davlat. 18. Kichik harbiy bo'linma. 19. O'zbek mumtoz shoiri. "Xamsamuallifi. 23. Angliya futbol yulduzi. 24. Kichik Osiyodagi xalq. ENIGA: 5. Temirchilik asbobi. 6. Qadimgi Erondagi shahar. 8. Janubiy Amerikadagi davlat poytaxti. 10. Optik asbob. 11. El xalq. 12. Payg'ambarlardan biri. 14. Ko'ngil. 15. Vaqt birligi. 17. Rossiya telekanali. 20. Yaqin ayol qarindosh. 21. Haqiqiy. 22. Musiqiy asar. 25. Ispaniya futbol klubi. 26. Kimyoviy element. Tuzuvchi: Nurillo NO'MONOV, Andijon tumanidagi 3-maktabning 7-sinf o'quvchisi

ana shunaqa gaplar

1-сонли Тошкент Педагогика билим юрти томонидан Атабаева Нафиса Жумановна номига 2000 йилда берилган № 376821 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-унавар таълими Маркази Давлат таълим стандартлари бўлимининг бош мутахассиси Курбоний Бобожоновга онаси ТУРСУНИ БОҚИЙ ҚИЗИНИНГ вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изхор қилади.

Газета материаллари «Ma'rifat» нашриётида терилди. Репринт компьютерда Лилия БИНАШЕВА ва Милохат ТОШОВА саҳифалани.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақониси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Боснига тошириш вақти—20.00. Топширилди—21.00